

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 99 (10.404)

2005 ЙИЛ 24 МАЙ

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### Б.У.ЖЎРАЕВНИ II ДАРАЖАЛИ «ШОН-ШАРАФ» ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Давлатимизнинг миллий хавфсизлиги, халқимизнинг тинчлиги ва осойишталигини муҳофаза этиш ҳамда хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик, жасорат ва фидойилик кўрсатгани учун Шарқий ҳарбий округ штабининг бўлим бошлиғи марҳум Жўраев Баҳром Улуғбекович II даражали «Шон-шараф» ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,  
2005 йил 23 май

## ХАЛҚИМИЗНИНГ ТИНЧЛИГИ ВА ОСОЙИШТАЛИГИ ЙЎЛИДА

Шарқий ҳарбий штаби офицери капитан Баҳром Улуғбекович Жўраев 27 ҳарбий хизматчи билан бирга 13 май куни кечқурун Андижон шаҳри марказий қисмидаги кўчаларда жамоат хавфсизлигини таъминлаш вазифасини бажарётган эди.

«Чўлпон» кинотеатри атрофида ҳарбийлар ҳокимлик биноси томондан саросимага тушиб югуриб келаётган одамларни учратади. Улар бир гуруҳ қуролланган жиноятчилар шу томонга келаётганини айтишади. Капитан Жўраев аскарларга одамларни хавфсиз жойга ўтказиб қўйишни буюради.

Соат 20.30ларда Чўлпон проспектида автоматлар, снайпер милтиқлари, парчаланувчи қўл гранаталари, тутун чиқарувчи ва кимёвий гранаталар, ёнғичи аралашма тўлдирилган шиша идишлар билан қуролланган жиноятчилар тўдаси пайдо бўлади.

Қуролланган жиноятчилар гаровга олган одамларни ўзига пана қилган ҳолда турли томонга ўқ отиб, ҳарбий хизматчиларга яқинлашиб кела бошлади.

Офицер Баҳром Жўраев вазиятни дарҳол англаб, ўз ҳаёти хавф остида қолиши мумкинлигига қарамасдан, жиноятчиларга қарши тик боради ва улардан қуролларни топширишни ва гаровга олинганларни қўйиб боришни қатъий талаб қилади. Бу талабларга жавобан жиноятчилар аёвсиз ўт очишади ва капитанни ярадор қилишади.

Ҳарбий хизматчилар позициялари қаттиқ ўққа тутила бошланади. Гаровга олинганларнинг асосий қисми юзага келган вазиятдан фойдаланиб, жиноятчилар қўлидан қочиб кетади. Ҳарбий хизматчилар жиноятчиларга қарши жавоб ўти очиб, офицерни ўқлар остидан олиб чиқишади. Бирок, у ярадор бўлишига қарамай бўлинмани бошқаришда давом этади.

Қуролланган жиноятчилар ўзининг сон жиҳатдан қўлигига ишониб, аскарларнинг қаршиликни енгмоқчи бўлади, бўлинмани қуршовга олишига жон-жаҳди билан ҳаракат қилади ва уларга қарши тинимсиз ўқ узади, гранаталар ва ёнғичи аралашма тўлдирилган шиша идишларни отади. Шунга қарамай, ўз командирининг қарамонана жасоратидан руҳланган шахсий таркиб жиноятчиларнинг ҳужумларини қайтариб туради. Капитан Жўраев раҳбарлигидаги бўлинманинг дадил ва жанговар ҳаракатлари туфайли жиноятчилар кўп талафот кўради, тўхташиб қолинади ва пароканда бўлади, уларнинг бир қисми қўлга олинади ва қуролсизлантирилади, гаровга олинганлар озод қилинади.

Ушбу жангда олган жароҳатлари оқибатида капитан Баҳром Улуғбекович Жўраев ҳалок бўлади.

У 1979 йил 21 ноябрда Тошкентда, хизматчилар Улуғбек ва Ширин Жўраевлар оиласида туғилган, Қорасув даҳасида ўсиб-ўлғайган.

Баҳром Жўраевни билганлар, унинг қариндош-уруғлари ва яқинлари, дўстлари ва сафдошларининг айтишича, у болалик йиллариданок Ватанга сиддиқилган хизмат қилиш, бу йўлда керак бўлса жонини ҳам фидо этиш руҳида тарбияланган эди. Ҳарбий-тарихий мавзулардаги китобларни ўқушни яхши кўради.

Спорт билан шугулланарди, самбо бўйича мусобақаларда голиб бўлган эди.

У мактабни тугатган, 17 ёшга тўлмасданок Тошкент Олий умумқўшин кўмондонлик билим юртига кириш имтиҳонларини муваффақиятли топширди. Ўқушни тугатгандан кейин ўтган беш йил мобайнида хизмат поғоналарида катта ўсишга эришди — ҳаво-десант қисмида жанговар гуруҳ командирлигидан Шарқий ҳарбий округ штаби бўлим бошлиғигача бўлган йўлни босиб ўтди. Ватанга муҳаббат, ҳасамед ва аскарлик бурчига садоқат, юксак масъулият ва профессионализм каби фазилатлар офицернинг қатъий ҳаётий позициялари ва ватанпарварлик дунёқарашини белгилаб берди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида кўра капитан Баҳром Улуғбекович Жўраев давлатимизнинг миллий хавфсизлиги, халқимизнинг тинчлиги ва осойишталигини муҳофаза қилиш ҳамда хизмат бурчини адо этишда кўрсатган жасорати ва фидойилиги учун II даражали «Шон-шараф» ордени билан тақдирланди.



## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ҚАРОРИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING АНДИЖОН ШАҲРИДА РЎЙ БЕРГАН ВОҚЕАЛАРНИ ТЕКШИРИШ БЎЙИЧА МУСТАҚИЛ КОМИССИЯСИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

Шу йилнинг 13 май куни Андижон шаҳрида рўй берган фожиали воқеалар бутун мамлакатимиз аҳолиси ҳамда жамоатчилигида чуқур безовталиқ ва ташвиш уйғотди. Барча жойларда бўлиб ўтаётган йиғилишларда, Қонунчилик палатаси депутатларининг сайловчилар билан учрашувларида фуқаролар фақат битта саволни бермоқдалар:

Одамларнинг қурбон бўлишига олиб келган, жамиятимизнинг тинч, барқарор, бунёдкорона тараққиётини хавф остида қолдирган мазкур воқеалар қандай қилиб рўй берди?

Андижон шаҳрида рўй берган воқеалар билан боғлиқ ҳолатларни ҳар томонлама текшириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Андижон шаҳрида рўй берган воқеаларни текшириш бўйича мустақил комиссия ташкил этилиб, унинг таркибига барча сиёсий партиялар фракциялари вакиллари иловага мувофиқ киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатидан комиссия таркибига киритиш учун Сенат аъзоларини тайинлаш сўралсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Андижон шаҳрида рўй берган воқеаларни текшириш бўйича комиссияси зиммасига қуйидаги вазифалар юклатилсин:

Андижонда рўй берган воқеаларга оид барча ҳолатларни синчиқлаб текшириш, воқеалар жа-

раёнини чуқур ва ҳар томонлама таҳлил этиш;

шу йилнинг 13 майдаги фожиали воқеаларни келтириб чиқарган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш;

мазкур фожиали воқеаларнинг асосий сабаб-оқибат боғланишларини, шунингдек одамларнинг қурбон бўлишига олиб келган бу жинсий ҳаракатлар ортида турган кучларни аниқлашга алоҳида эътибор қаратиш;

ҳукуматнинг ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва хавфсизликни таъминловчи тузилмаларнинг

ҳаракатларини ҳар томонлама таҳлил этиш, бу ҳаракатларни ҳуқуқий жиҳатдан баҳолаш.

Бунинг учун юқори малакали мутахассислар жалб этилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Андижон шаҳрида рўй берган воқеаларни текшириш бўйича комиссияси парламентни ва жамоатчиликни текширишнинг бориши тўғрисида мунтазам равишда хабардор этиш, шу жумладан оммавий ахборот воситалари орқали ахборот бериб босин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери  
Э.ХАЛИЛОВ

Тошкент шаҳри,  
2005 йил 23 май.

Ўзбекистон Республикаси Олий  
Мажлиси Қонунчилик палатасининг  
2005 йил 23 майда қабул  
қилинган Қарорига илова

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING АНДИЖОН ШАҲРИДА РЎЙ БЕРГАН ВОҚЕАЛАРНИ ТЕКШИРИШ БЎЙИЧА МУСТАҚИЛ КОМИССИЯСИ ТАРКИБИ

1. **Йўлдошев Маҳмадильхом Мамаюнович** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси аъзоси (Комиссия раиси)

2. **Абдуллаева Мухаббат** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси аъзоси

3. **Аҳмедова Сорахон Толиқнозона** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси

4. **Ботирова Зухра Баратовна** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзоси

5. **Жабборов Собир Ваҳобович** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари

6. **Каримов Ҳаётнон Салимович** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси аъзоси

7. **Козлов Анатолий Михайлович** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси аъзоси

8. **Саидов Ақмал Холматович** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси

9. **Толибов Иззатулло Ибодович** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раисининг ўринбосари

10. **Умарова Шоира Окубтаевна** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раисининг ўринбосари

11. **Ўсаров Олим Авалбоевич** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси

12. **Воҳидов Эркин Воҳидович** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ҳаёт, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси

13. **Иминов Шайхмур Мирзажоневич** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси раиси

14. **Рустамбоев Мирзаюсуф Ҳакимович** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари

15. **Собиров Илгизар Матқубович** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси

16. **Усмонов Маъруф Ағзамович** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари

\*Комиссия таркибига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан белгиланган Сенат аъзолари киритилдилар.



**Мамлакатимизда**

● Тошкент ирригация ва мелиорация институтида ер ресурсларидан фойдаланиш ва ер кадастри юришти тизимини такомиллаштириш масалаларига бағишланган республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз олий ўқув юртлири, илмий-тадқиқот муассасалари олимлари, тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари билан бирга хориждан келган мутахассислар ҳам иштирок этди.

● Наманганда ободонлаштириш ойлиги ўтказилмоқда. Унинг доирасида шаҳарни кўкаламзорлаштириш, кўчалар ёритилишини яхшилаш, йўл қурилиш ишлари амалга оширилмоқда.


● Чирчиқ гарнизонига қарашли ҳарбий қисмда ҳарбий хизматга қақрилган йигитлар тантанали қасамёд қабул қилдилар.

● Гижудовон туманидаги «Ўзбекистон» ва «Зарафшон» ширкат хўжаликлари ҳудудида жойлашган 10-ҳамда 43-мактабларга 59,8 минг ва 66 минг АҚШ доллари миқдоридаги Япония грантлари ажратилди.

● «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасида «Репродуктив саломатлик ва соғлом оилани шакллантириш» мавзусида республика амалий семинари ташкил этилди.

● Тошкентдаги «Ўзбекистон» спорт мажмуида кикбоксинг бўйича Осиё очиқ чемпионати нихосига етди.

● Фарғона шаҳрида эркаклар ўртасида «Challenger» анъанавий халқаро теннис турнири якунланди.



● Шимолӣ ва Жанубий Корея ўртасида ўтказилган музокаралар Пхеньянинг ядро дастури масаласида ҳеч қандай натижаларсиз тугади.

● Эфиопияда мамлакатда илк бор сайловлар ўтказилди ва унга 300га яқин мустақил хорижий кузатувчилар кўйилди.

● Тожкистон тоғларида Россия ҳарбий ҳаво кучларига қарашли СУ-25 ҳарбий самолёти ҳалокатга учради. Охириги сонияларда учувчи катапульта усулини кўлагани ҳолда тирлик қолди.

● Вашингтонда Темурийлар сулоласи даврида Ўрта Осиёда яратилган ноёб санъат асарларининг кўргазмаси очилди.

● Франциянинг Канн шаҳрида жаҳондаги энг нуфузли халқаро кинофестиваллардан бири якунланди.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олган Хитой Халқ Республикаси азал-азалдан мамлакатимиз билан ҳар томонлама алоқаларни ривожлантиришга катта аҳамият бериб келган. Айни пайтда икки томонлама ҳамкорлик муносабатлари алоқаларнинг барча қирраларини камраб олган ва улар 120 дан ортиқ давлатларро ва бошқа келишувлар асосида бошқарилади. Улар анъанавий дўстона муносабат ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик мезонларига асосланади. Қолаверса, улар негизда Ўзбекистон ва Хитой ет аққиларининг ўзаро ишончга йўрилган муносабатлари ётади.

Тавқидлаш жоизки, икки мамлакат раҳбарлари ўртасида таширф алмашувлари ва учрашувлар доимий тус касб этган. Президент Ислоом Каримов Хитойга тўрт мартаба таширф буюрган. Ўз навбатида, 1996 йили Хитойнинг уша пайтдаги раҳбари бўлган Цзянь Цземинь Ўзбекистонга келган. Ўтган йили эса ХХР Раиси Ху Цзинтао давлат таширфи билан мамлакатимизда бўлди.

Давлатларимиз Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти доирасида ҳам яқин ҳамкорлик қилади. 2004 йилда ШХТ нинг Тошкент саммити доирасида Ўзбекистон ўз ташаббусларини илгари суришда Хитойнинг катта қўллаб-қувватлашини сезиб турди. Бу эса республикамиз пойтахтида бўлиб ўтган олти мамлакат етакчиларининг учрашувлари самарали ўтишида салмоқли аҳамият касб этди.

Савдо-иқтисодий соҳадаги

ўзаро ҳамкорлик тобора ўсиб бормоқда. Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги 1992 йилги савдо-иқтисодий битимга мувофиқ, жуда қулай муҳит тартиботи ўрнатилган. 2004 йил натижалари икки томонлама то-

моясӣ билан фаолият кўрсатмоқда. Чакана ва кўтара савдо, воситачилик хизматлари кўрсатиш, енгил санаот, кишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш сингари соҳалар мазкур корхоналар

технологиялари бўйича Шанхайда малака ошириб қайтишди. Ўтган йилнинг январьда Пекинда хитойлик етакчи экспертлар томонидан ёзилган Ўзбекистон тўғрисидаги янги китобнинг тақдими ўтказилди.

Давлат йўналиши бўйича ўзаро талабалар ва малака оширувчилар алмашуви доираси ҳам кенгайиб бормоқда. Ҳар йили 20 нафар ўзбек талабаси Хитойда ўз билимини оширади, бизнинг олий ўқув юртлиримизда эса 17 нафар хитойлик талаба тахсил олмоқда. 1957 йилдан бери Тошкентда хитой тилига ихтисослашган мактаб фаолият кўрсатиб келмоқда. Тавқидлаш жоизки, шу кунларда мамлакатимиз пойтахтида Конфудий номидаги институтнинг очилиш маросими бўлиб ўтди.

1998 йили ташкил этилган «Ўзбекистон — Хитой» дўстлик жамияти ҳам гуманитар ҳамкорликни ривожлантириш ишига ўзининг муносиб ҳиссасини кўшиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Хитойга яқинда буюрадиган таширфи ва режалаштирилётганидек, унинг давомида қатор икки томонлама ҳужжатларнинг имзоланиши, мазкур таширф ўзаро манфаатли ҳамкорлик тарихида янги саҳифани очиб беришига шубҳа йўқ. Қолаверса, бу таширф икки томонлама мулоқотлар ривожига янги туртки бериши баробарида икки мамлакат халқларини янада яқинлаштиришга хизмат қилажак.

**Иқболжон СОЛИЕВ, «Жаҳон» АА**

## ЎЗБЕКИСТОН – ХИТОЙ: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ РУҲИ

Қадим-қадимдан ўзининг ипаги, сопол ва чинни буюмлари, Буюк Хитой девори ва улкан маданияти билан дунёда ном қозонган Хитой бугунги кунда ҳам ўзининг иқтисодий тараққиёти, мамлакатда ислохотларнинг кенг қамровда олиб борилдэггани билан ҳаммани ҳайратга солиб келмоқда. Хитойликларнинг айтишича, маънавий тарихи ва илғор ғоялар мамлакатни яхлит бир миллат сифатида жиқлаштиради. Бундай бирдамлик ва жиқслик асосида ҳаракатланадиган миллат эса улуг ишларга қодир бўлади. Тарихнинг ўзи исботлаган ва ҳамон исботлаб келаётган бу фикрга қўшилмаслик мушкул. Шу маънода ўз келажагини бой маънавий мероси ҳамда эртанги кунни доимий интилиш асосида қуришга қодир Хитой комил ишонч Ўзбекистон ва Хитой халқлари ўртасидаги муштарак жиҳатлардир.

вар айланиши ҳажми 367 миллион АҚШ долларидан ошиб кетганидан гувоҳлик беради. Умуман олганда, кейинги уч йил ичида Хитой билан товар айланиши ҳажми тўрт мартаба ошди.

Нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари, пахта толаси, пластмасса ва ундан тайёрланадиган буюмлар, ипақ, ўғит, хизмат кўрсатиш ва бошқалар Ўзбекистондан Хитойга экспорт қилинадиган асосий маҳсулотлар сирасига киради. Ўз навбатида, Ўзбекистон Хитойдан механик ва электр ускуналари, транспорт воситалари, оптик ускуна ва жиҳозлар, озик-овқат маҳсулотларини импорт қилади.

Ҳозир Ўзбекистонда Хитой сармоси иштирокидаги 83 та корхона, улар орасидаги 19 таси эса юз фоиз Хитой сар-

фаолиятининг асосий қирраларини ташкил этади. 26 та Хитой компанияси ваколатхоналари республика Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида рўйхатдан ўтган. Айни пайтда, машинасозлик, кимё, электроника, маиший техника ишлаб чиқариш каби соҳалардаги ўнлаб янги қўшма лойиҳалар устида иш олиб борилмоқда.

Маданият, фан ва таълим соҳалари ҳам икки томонлама ҳамкорликда асосий ўрин тутди. 2002 йили Тошкентда ўтказилган ХХР фани ва техникаси кунлари доирасида хитойлик олимларнинг юқори технологиялар соҳасида эришган ютуқлари ва амалга ошираётган тадқиқотлари кўргазмаси ҳам ўтказилди. 2004 йилда 100 нафарга яқин ўзбек ўқитувчилари ахборот

*"Баркамол авлод — 2005"*

### ОМАД ВА ЗАҒАР ЁР БЎЛСИН

Мустақил юртимизнинг умидли юлдузлари — ўсиб келаётган ёшларнинг жисмонан соғлом, руҳан баркамол бўлиб вояга етишлари учун барча зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Жаҳон андозалари даражасида жиҳозланган спорт иншоотлари қурилиб, фойдаланишга топширилмоқда. Республикамизнинг барча шаҳар ва туманларида минг-минглаб ўғил-қизлар спортнинг у ёки бу тури билан шуғулланмоқда. Хусусан, мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилиб келинаётган «Умид ниҳоллари», ўрта махсус касб-хунар таълими тизими ўқувчилари ўртасидаги «Баркамол авлод» ва олий ўқув юрти талабалари ўртасидаги «Универсиада» спорт мусобақалари тобора оммалашиб, янги-янги иқтидорлар ва умидли ёшларни кашф этмоқда.

Кеча иқтидорли, қатор мусобақаларда қатнашиб совринли ўринларни кўлга киритган 200 нафарга яқин спортчи ёшлардан таркиб толган пойтахт жамоаси Чирчиқ шаҳрида бўлиб ўтадиган «Баркамол авлод» спорт мусобақаларида шаҳримиз шарафини муносиб ҳимоя қилиш учун тантанали кузатилди.

— Узига хос нуфуз ва аҳамиятга эга бўлган «Баркамол авлод» спорт мусобақалари ўғил-қизларнинг спортга меҳр қўйишлари, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишлари, жисмонан соғлом бўлиб вояга етишларида катта аҳамиятга эга бўлмоқда, — дейди «Баркамол авлод» ва «Универсиада» спорт мусобақаларини шаҳар бўйича мувофиқлаштирувчи, Тошкент Давлат иқтисодий университети доценти Чаман Алимхўжаева. — 13 та спорт тури бўйича беллашадиган спортчи ёшларимиз ушбу мусобақага муносиб тайёрларлик қўришди. Ниятимиз, мақсадимиз битта — у ҳам бўлса голиблар сафидан ўрин олишдир.

Биз кузатув маросимида бўлганимизда мусобақа иштирокчиларининг Чирчиқ шаҳрига ҳарбий оркестр садолари остида, барча хавфсизлик чоралари қўрилган, энг қулай ва бежирим автобуслар ажратилган ҳолда, Тошкент вилояти ва шаҳар ҳокимлиги, қатор жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида, фақат омад ва зафарлар, оқ йўл тилаб куза-

тиб қолингани барчада юқори кўтаринчилик ва гурур туйғусини уйғотганини кўрдик. Мусобақа қатнашчиларининг дил сўзларини қозғога туширишга ҳаракат қилдик.

— Бизга кўрсатилётган катта эътибордан кўнглимиз кўтарилди, бу албатта мусобақаларда ўзининг ижобий натижасини беради, дейди ўзини Жасур Ҳидоятлов деб таништирган йигит. — Мен кўл тўли бўйича мусобақада иштирок этаман. Насиб қилса туринчилар қаторида бўлишни мўлжаллаб турибмиз.

— Ойдин Саидикромоваман, — дейди навбатдаги иштирокчи — 1-педагогика коллежининг II-курс талабасиман. Спортнинг волейбол тури бўйича шаҳарда биринчиликни кўлга киритган эдик. Мана энди республикада омадимизни синаб кўраимиз. Бизнинг коллеждан Шохиста Йўлдошева, Мадина Эрматова каби дўгоналарим билан шаҳримиз шарафини муносиб ҳимоя қила оламиз деб ўйлайман.

С.Сирожиiddинов номидаги академик лицей ўқувчиси Умида Саидова шахматга ёшлигидан меҳр қўйгани, мунтазам шуғулланиб келиши, албатта голиблар қаторидан ўрин олишга интилишини айтди.

— Ўқувчиларимизнинг кайфиятлари аъло,



— дейди биз билан суҳбатда Тошкент радио техника-автоматика коллежи директори, волейбол бўйича «Баркамол авлод» спорт мусобақасининг шаҳар бўйича масъул ходими Абдураим Зокиров. — Мусобақалар ўтатишдан жойларни бориб кўрдик, ўргандик, катта тайёрларлик қўрилган, барча зарур шарт-шароитлар яратилганлигига аминимиз. Бизнинг мақсадимиз мусобақаларда муносиб қатнашиб жамоамизни юқори ўринларга олиб чиқиш. Биз ҳам юриши-туришида қўтайиллик, жасурилик, узига катта ишонч балқиб турган спортчи ёшларимизга омад ва зафарлар тилаб қоламиз.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**

**СУРАТЛАРДА: «Баркамол авлод — 2005» мусобақаси қатнашчиларини тантанали кузатиш маросимида лавҳалар. Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.**

*Икитасоқийёт*

**“ШАРҚ БЎЁҚЛАРИ”**

**МАҲСУЛОТЛАРИ**

Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «EAST-KOLOR» масъулияти чекланган жамияти, яъни «Шарқ бўёқлари» корхонасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга буюртмалар ортиб бораётганлиги боис ҳам қисқа давр ичида ички бозорда муҳим ўринга эга бўлмоқда.

Жамоа аҳли асосан लोक-бўёқ маҳсулотларини маҳаллийлаштириш дастури асосида тайёрламоқда. Шу боис ҳам сифатга алоҳида эътибор қаратиш, маҳсулот таннархини арзонлаштириш борасида изланишлар олиб бориляпти. Албатта, харидор талаби асосида ишлаш маҳсулот турларини кўпайтиришни, рақобатбардошлигини оширишни тақозо этмоқдаки, натижада корхона мутахассисларини янгиликлар яратишга ундамоқда. Жорий йил охиригача ана шу изланишларнинг самараси ҳисобланган янги маҳсулот тури, яъни олиф ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш режаланган. Ҳозирги пайтда ушбу маҳсулот Россиядан келтирилади. Ана шундай зарур курилиш ва пардозлаш ашёсининг ўзимизда ишлаб чиқарилиши ҳамда ички бозорни таъминлаш харидорларимизга қулайлик туғдиради.

— Утган йилда корхонамизда меҳнат қилаётган 40 нафар ишчи-хизматчининг меҳнати ва замонавий ускуналарнинг қуввати эвазига 400 миллион сўмликдан зиёд लोक-бўёқ маҳсулотларимизни буюртмачиларга етказиб бердик, — дейди корхона раҳбари Геннадий Газев. — Асосий буюртмачимиз «Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акциядорлик жамияти ҳамда мамлакатимизда бунёдкорлик ишларини амалга ошираётган курилиш ташкилотларидир. Шу боис жамоамиз аҳли бунёдкорлик ва ободонлаштириш кўлами ортишида ўз маҳсулотлари билан хисса қўшаётганидан беҳад faxрланади.

Буюртмачилар сафининг кенгайиши ишлаб чиқариш ҳажмининг ортишида муҳим омил саналади, сифатга муҳим аҳамият қаратишга ундайди. Шунинг учун ҳам жорий йилда тadbиркорлар имкониятларини ишга солиб 700 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлашни кўзлашган. Шу асосда янги цехлар ташкил этилиб, қўшимча ишчи ўринлари ҳам яратилади.

Яна бир эзгу ният корхона жамоасини муваффақиятга ундаши табиийки, бу ўз маҳсулотларини яқин келгусида экспортга чиқариш мақсадидир. Чиройли ва жаҳон андозалари даражасида қадоқланган लोक-бўёқ маҳсулотларига кўшни Қозғистон ва Қирғизистон давлатларидан ҳам буюртмалар тушмоқда. Ажабмас, шарқ бўёқлари жаҳон бозорида ўрин эгалласа.

**Саидкарим БОБОСАИДОВ**

**АНДИЖОН ВОҚЕАЛАРИГА ХОРИЖЛИКНИНГ БАҲОСИ**

Москва мэрининг маслаҳатчиси Нурали Латипов — асли Фарғонадан. Чорак аср бурун уни бутун мамлакат таниди ва эслаб қолди: Н.Латипов ўзининг энциклопедик билимлари ва ўткир фикрлаш қобилияти билан телетомошабинларни ҳайратда қолдириб, машҳур «Нима? Қачон? Каерда?» телеўйинининг дастлабки голибларидан бири бўлди.

Н.Латипов гарчи кўп йиллардан буён москвалик бўлса-да, ўзининг Ватани билан алоқаларини узмаган — у Ўзбекистонда тез-тез бўлиб туради, республикада янги ҳаёт курилишини диққат билан кузатиб бориши баробарида бу жараёнда иштирок этишдан ўзини тортмайди. Шунинг учун ҳам у Андижон воқеаларидан сўнг «Жаҳон» ахборот агентлигига ўзининг ҳаёгонли фикр-мулоҳазаларини йўллагани сира ҳам ажабланарли ҳол эмас. Ўйлаймизки, оқил ва Ўзбекистонни яхши биладиган бир инсоннинг ўй-фикрлари билан танишиш ўқувчиларимизни қизиқтиради. Шу боис **Нурали Латиповнинг ушбу мақоласи эътиборингизга ҳавола этилади.**

Жуда кўплаб сиёсатдонлар ўзларининг шинам кабинетларидан чиқмай туриб бутун дунёда, шу жумладан, Марказий Осиёда руй бераётган воқеа-ҳодисалар ҳақида ўзларича тўн бичаверадилар. У ердан эса фақат Москва, Нью-Йорк, Лондон кўчаларига кўринади холос... Мабодо улардан биронтаси Ўзбекистонни кўрган бўлса ҳам, бу кўпинча собиқ шўролар даврига тўғри келади. Шунда ҳам ўзбек фольклори ҳақида бир озгина билишармиди (билгани ҳам шўро ташвиқотчилари таржумасида остидан чиққан).

Жамият қудратли мафкуравий тиргақларсиз барқарор бўлиши мумкин эмас. Қачонлардир ҳукумат тахти остидан коммунистик мафкура учиб чиққан эди, кескинлик дарров портлаш ҳавфи даражасига бориб етди. Ва дарҳол тиргақликка бошқа мафкуралар даъвогар бўла бошлади. Албатта, аввало, энг радикал мафкура — диний фундаментализм ва экстремизм.

Президентни юзакчиликда айблашга шошилётганлар масалага лоқаб бироз чуқурроқ ёндашиши уларга ҳалақат бермас эди. Чунки Каримов ва унинг командаси минтақада ҳал қилаётган стратегик вазифалар ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди.

Бунга мисол — кўшни Қирғизистон. Аҳолиси у қадар зич жойлашмаган, яна бунинг устига гарб грантлари ҳамма ёққа сочиб ташланган. Бироқ туғилиб келаётган демократиянинг институтлари бироз эътибордан четда қолган эдики, устима-уст киргизлар тўқини нафақат кўплаб дўқонларнинг кўргазма ойналарини, балки журналларнинг ушбу республикани аташга ўрганиб қолган «Марказий Осиёдаги демократия ойнасини» тўласинча чилпарчин қилиб ташлади.

Масаланинг шу тарзда ривожланиб бориши нималарга олиб келиши эса кўп ўқини Тожикистон мисолида аёндир. У ерда мулҳоқ ҳурмати ва эсли-қўшли маданият арбоблари демократия куришини бошлашган эди. Бироқ, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ниҳоятда ноқоронлигича қолди. Ҳукумат эса ўзининг яққол заифлигини кўрсатди. Ва демократия силлиқина қилиб фуқаролик урушига рўпара қилди. Ҳозир вазият барқарорлашган. Шундай бўлишига қарамай, ҳатто ҳозир ҳам Тожикистонда демократия курилиши вақтларини даҳшат билан эслашади. Ва улар ҳар қандай қаттиққўл диктатурага ҳам чидашга тайёр — фақат 1990 йилларнинг бошидаги кунга қайтишмаса бўлди.

Ҳозир Ўзбекистон бениҳоя жиддий довоғна

жуда яқин келиб қолди. Республикадаги ўзгаришлар замонавий ишлаб чиқаришни авж олдириш билан боғлангандир. Ўзбекистон бир неча йиллардан буён ўз тарихида биринчи марта таби оммавий равишда автомобиллар ишлаб чиқараётганини эслашнинг ўзи қийин. Шўролар давридан мерос қолган авиация, радиоэлектроника корхоналари ҳам тўхтаб қолгани йўқ — улар ишлаётди ва тақомиллаштириляпти.

Табиийки, ресурсларни мамлакатни технологик жиҳатдан замонавийлаштиришга сафарбар этиш учун камарни бир тортиб қўйишга тўғри келади. Бироқ умумжаҳон тарихи аллақачон қўрсатиб берганидек, бундан бошқа йўл йўқ. Дастлабки капитал жамгарув даврининг бўлиши муқаррар. Бу даврда ҳаётий шарт-шароитларнинг мураккаблашуви ҳам муқаррар. Бироқ фақат ана шу йўлдангина иқтисодий тўқинликка, том маънодаги мустақилликка етиб бориш мумкин.

Бахтга қарши нафақат бизда, балки бутун дунёда кўпчилик тўқинлик ва мустақилликни ўз қобилига ўралиб қолишининг синонимини деб ҳисоблайди. Бироқ давлатнинг эркинлиги шахонинг эркинлиги сингари анархияга хос тўс-тўполонни англамайди. Эркинлик — энг аввало самарали ўзаро ҳаракат қилиш, нафақат шерикларга, балки ўзи учун ҳам фойдали бўлган ўзаро ҳаракатларнинг йўналиши ва шаклини танлаш имкониятидир. Ва Ўзбекистон ҳозир бу ҳаётий муҳим имкониятни қўлга киритишга тайёр турибди.

Маълумки, ҳар қандай давлат етакчисига бизнинг бугунги қандайдир тасаввурларимиз ва ҳоҳиш-истакларимизга етиштири олган-олмаганига қараб эмас, балки ҳудди ана шундай шарт-шароитларда бўлган ҳаммасилари ва замондошларига таққосланган ҳолда унинг нималар қилганига қараб баҳо бериш лозим. Бу маънода Президент Каримов ва унинг командаси энг юксак баҳога лойиқдир.

Албатта, мен давлат манфаатлари йўлида ҳар қандай қурбон беришларга йўл қўйиш мумкин, деб ҳисобламайман. Бироқ тараққиёт йўлида бундан қрчиб бўлмас экан, бу қаерда қамроқ бўлишини танлашга тўғри келади. Ва қаттиққўллик йўли ҳаммаша ҳам барча имкониятлар ичида ўта қонли йўл бўлавермайди.

Аслини олганда, ҳозирги сиёсатдонлар нари борса сиёсий арифметикани билишсади, лекин сиёсий алгебра ҳақидаги тасаввурлари жуда ҳаминқадар. Ҳолбуки, дунёни айнан алгебра бо-

шқаради. Шунинг учун ҳам сиёсатшуносликдаги болақайлик — жиёноятдир. Қўпгина сиёсатдонлар нафақат алгебра, балки мантик бобида ҳам заифдилар. Улар «тинч аҳоли»га қарши қурол ишлатилганини танқид қилишда бир-бирига баралла жўр бўлишда шошқалоқчи қилишди. Улар ҳатто қўлига қурол олган мутаассибнинг бу хатти-ҳаракати билан нафақат ўзининг бурчини, балки тинч фуқаронинг ҳақ-ҳуқуқини поймол этишини ва қонуний оёқ ости қилишини ўйлаб ҳам кўришмади.

Аслини олганда гап атамаларда эмас. Шуниси ачинарлики, сон-саноксиз шарҳловчилар нафақат илмий тадиқотлар, балки умуман ақл билан мулоҳаза юритиш асоси бўлиши мантиқий сабаб-оқибат алоқаларига ҳиқдан-оқибат беписандлик билан қарашади.

Ҳукуматнинг бирон бир хатти-ҳаракатидан жунбўшга келган тинч аҳоли қўлига қурол олгани ҳақиқатан ҳам тарихда содир бўлган. Бироқ Андижоннинг мисолида воқеаларнинг ривожига ва юз бериши бунга тўғридан-тўғри инкор этакдиди. Дастлаб экстремистлар қўлида қурол билан ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларига ҳужум қилишди, уларни отиб ташлашди, қамқончалардан юзлаб маҳбусларни чиқариб юборишди, тинч аҳолини гаровга олишди, маъмурий бинони эгаллашди — бир сўз билан айтганда, бу жиноят тавсифи ҳар қандай жинойий кодексга мувофиқ келадиган қуролли кўзғолон уюштириди. Фақат шундан кейингина ҳукумат ўзининг бевоқиф конституциявий мажбуриятини бажара туриб, тинч аҳоли ҳаётига ҳавф-хатар энг ҳам даражада бўлишини ҳисобга олган ва бунга ҳаракат қилган ҳолда уни бостирди.

Агар биз охирида ким ўқ узганини яна бир бор муҳокама этакдиган бўлсак, биринчи бўлиб ўқ узшини истайдиганлар сон қўлгади. Унда нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиё барча кўринишдаги экстремист ва бандитларнинг ҳимоясиз нишонини бўлиб қолади. Шу жумладан, кейинги бир неча асрдаги бутун дунё тарихи тезда тузатилиши керак бўлган ҳатто, деб ҳисоблайдиганлар учун ҳам.

Шундай қилиб, агар биз ўрта асрларга, очикдан-очик босқинчиликлар ҳолатига қайтишни истамас эканмиз, тўполончиларни эмас, балки оқил бошқарувчини қўллаб-қувватлайлик. Майли у қаттиққўл бўлса ҳам. Чунки жаҳолатнинг муқобили — қаттиққўлликдир.

**Нурали ЛАТИПОВ**

**БУНЁДКОРЛИКДА ҚЎЛ КЕЛАДИ**

Ички бозоримизда йилдан йилга кўркам, чидамли, рақобатбардош курилиш материаллари кўпайиб бораётганлиги қувонарли ҳол. Айниқса, улар маҳаллий хош араётган тadbиркорларимиз томонидан ишлаб чиқарилаётганлиги эътиборга лойиқдир. Мирзо Улуғбек туманидаги «Муратбек» хусусий ишлаб чиқариш тижорат фирмаси ҳам бу соҳада самарали фаолият кўрсатаётган корхоналар сирасига қиради.


— Асли мутахассислигим қурувчи муҳандис бўлганлиги боис ҳам, — дейди фирма директори Бахтиёр Рустамбеков, — хусусий ишлаб чиқариш билан шугулланишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйдим. Юртимиз турли-туман табиий заҳираларга бой. Жумладан, корхонамиз жамоаси ишлаб чиқараётган сопол маҳсулотлар — импорт ўрнини босувчи черпица ва плиталар учун маҳаллий хом ашё — сифатли тулроқ ишлатилади.

2003 йилдан фаолият юриётган жамоада бугунги кунда 23 нафар ишчи-хизматчилар меҳнат қилишмоқда. Цехга Украинадан келтирилган юксак умумий черпица ишлаб чиқариш дастгоҳ, ускуналар ва жиҳозлар ўрнатилган. Фарғона водийсида ҳамда қўшимча «парвариш» талаб қилишга билан бошқа турдаги шу каби курилиш маҳсулотларидан алоҳида ажралиб туради. Корхона цехидаги маҳсулотлар 980 даража иссиқликда қиздирила-

имизнинг кўп асрлик аънаъларини эътиборга олган фирма тadbиркорлари маҳсулотларини синовдан ўтказдилар. Сопол қатор афзаллик-

ди, сўнгра улар махсус хонада керакли ҳароратда қуртилди. Шу боис ҳам корхона маҳсулотлари 80-100 йил ва ундан кўпроқ вақт хизмат қилади. Ишчиларга яратилган қулай шарт-шароитлар меҳнат умиддорлигини ошириб боришга омил бўлиб, натижада тайёрланаётган сифатли маҳсулот буюртмачиларни мамнун этмоқда. Эътиборли томони, ишчи-хизматчилар тайёр маҳсулотларини мижознинг хоҳиш-истагига биноан сифатли ўрнатиб ҳам берадилар.

Хусусий фирма тadbиркорлари доимо изланишда. Улар юртимизда олиб борилаётган маҳаллийлаштириш дастурига кўра янги маҳсулот — яна 2 турдаги черпицаларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйишди. Рақобатбардош янги маҳсулотлар ўз харидорларини топишга жамоа аҳли ишонди.



**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА СУРАТЛАРДА:** корхона фаолиятини дахлар. **Тоҳир Нигматуллин** олган суратлар.

**ПОЙТАХТНИНГ Бир Кўни**  
Янгиликлар, воқеалар

- **БУГУН** Миробод туманидаги «Рем элтрам» очик турдаги акциядорлик жамиятида Андижон воқеалари муҳокамасига бағишланган йилгилиш бўлиб ўтди.
- **СЕРГЕЛИ** туманидаги 33-ёрдамчи мактаб кам таъминланган оилалар фарзандлари учун Тошкент ҳайвонот боғи ва Темурийлар тарихи давлат музейига саёҳат уюштирди.
- **ЭРТАГА** Учтепа туманидаги «Уриқзор» маҳалласида уюштирилган тadbир Андижонда содир этилган террористик ҳаракатларнинг салбий оқибатларига бағишланади.
- **БУГУН** Мирзо Улуғбек туманидаги «Феруза» маҳалла гузаридеда «Оғохликка даъват» мавзусида йилгилиш бўлиб ўтди.
- **НИЗОМИЙ** номидаги Тошкент давлат педагогика университетида талабалар, ўқитувчилар, адиллар иштирокида ўтказилган адабий ке-ча академик ёзувчи Мусо Тошмухаммад ўғли Ойбек таваллудининг 100 йиллигига бағишланди.
- **Тошкент шаҳар ҳокимлиги** Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

Аёлларни хонадонимиз бекаси, фариштаси деб атаймиз. Улар билан нафақат оила-ларимиз фазли, тотув ва сариштли, балки маҳалларимиз, жамиятимиз ҳам осойишта, обод ва фаровондир. Бу борада айниқса маҳалладаги фаол аёллар, маҳалланинг жонкуяри бўлган тажрибали онахонларнинг ҳам муносиб ҳиссалари бор. Президентимизнинг ўтган йил май ойидаги ПФ -3434-сонли Фармони ижросини бажариш йўлида маҳаллаларда хотин-қизларнинг фаоллиги янада ошди. Собир Раҳимов туманидаги Беруний номли маҳалланинг фаолларидан бўлган Раънохон опа Раҳимбековани бугунги кунда ҳақиқий маънода маҳалланинг жонкуяри дейишарди. Чунки Раъно опа хотин-қизларнинг бахтиёр турмуш кечиришлари, шунингдек, маҳалладаги тўй ва бошқа маросимларнинг исрофгарчиликсиз, ихчам ва чиройли ўтишида, кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оилалар, кексалар, беморлар ҳолидан хабар олиш каби эзгу ишларга ҳамisha бош-қош. Опа бугунги кунда нафақатда доимо эл-юрт, маҳалла дарди, ташвиши билан яшаб келмоқда.

Раъно Раҳимбекова 1960 йилда Тошкент Давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг ҳуқуқшунослик факультетини тамомлаб аспирантурага ўқишга кирди. Уни тамомлагач эса Тошкент давлат иқтисодий университетиде ўзининг педагогик фаолиятини бошлади. 1971 йилда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган Ўзбекистон Миллий университети ва Тошкент Давлат техника университети нинг «Давлат ва ҳуқуқ» кафедрасининг доценти сифатида ёш ўқитувчиларга ўзининг бой тажрибаларини ўргатиб, уларнинг илмий ва методик ишларига раҳбарлик қилди. 32 йиллик педагогик фаолиятида Раъно опа кўплаб илмий мақолалар ҳамда услубий қўланмалар яратиб, мамлакатимизда ҳуқуқ фанининг ривожланишига муносиб ҳисса қўшди. Шунингдек, университет талабалари ва хотин-қизлари орасида жамиятимизнинг энг долзарб муаммоларига бағишланган тадбирлар ташкил этишда ҳамда кўп йиллар Беруний номидаги маҳалла хотин-қизлар комиссияси раиси вазифасида фаолият юритиб, ҳуқуқшунос сифатида қонунларга мос ва ҳос тарзда тўй ва бошқа маросимларни ўтказиш борасида амалий тавсиялар ишлаб чиқди. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, Раъно опа одоб-ахлоқ, оила, аёллар маъзуларидидаги ранг-баранг мақолалари билан кўп йиллардан буён

газета ва журналларда қатнашиб келади. «Шундай маҳалла бор», «Тўйларимиз-ўйларимиз», «Келин, маслаҳат берамиз», «Қонун-амалда», «Оила — муқаддас» сингари

бериб, улар орасида ҳурмат-обрў қозонди.

Дарҳақиқат, Раъно Раҳимбекованинг оиласи маҳаллада энг намунали оилалардан ҳисобланиб, кўпчилик улардан ўрнак олишга ҳаракат қилади. Турмуш ўртоқлари Рустамбек Раҳимбеков билан 40 йил биргаликда аҳил ва тотув яшаб, тўрт фарзандларини ўқитиб, воёга етказишди. Рустамбек ака ҳам (Оллоҳ раҳмат қилсин) ҳуқуқшунос сифатида 40 йил Тошкент Давлат юридик институтиде кафедрага мудирлик қилиб, талабаларга сабоқ берган. Ҳамда кўплаб илмий мақолалар муаллифидир.

Раъно опа билан оила, қайнона-келин муносабатлари ҳақида суҳбатлашиб қолгудек бўлсак, доимо кудалари, айниқса келинларини оғзиларида Беруний номли маҳалла хотин-қизлар комиссияси раиси Матлуба Нигмонова.— Маҳаллада хотин-қизлар комиссияси ишини ривожлантиришда, халқимизнинг миллий ва маънавий қадриятларини эъзозлаш, уни тарғиб қилиш, оммалаштиришда, оилаларнинг тинчлигини таъминлаш ва мустаҳкамлашда муносиб ҳисса қўшиб келяптилар. У кишининг иш фаолияти даврида ишлаб чиқилган «Намунали оила», «Намунали қайнона», «Намунали келин» каби кўрик-танловларни ўтказиш маҳалламизда доимий анъанага айланди. Айтиш жоизки, Раъно опа иқтисодий, иқтисодий, ҳуқуқий соҳалардаги билим ва тажрибаси билан маҳалламиз аҳлига доимо кўмак

Маълумки, бугунги кунда хотин-қизларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги мавқеи ва фаолияти тобора ошиб бормоқда. Бунинг натижасида турли соҳаларда фаолият юритаётган аёлларнинг олиб бораётган ишларидан ҳам яққол сезиш мумкин. Ўтган йили Президентимизнинг «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини кўллаб-қувватлаш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони хотин-қизлар фаолиятида муҳим бир туртки бўлди дейиш мумкин.

Хана ушбу Фармон қабул қилинганлиги ҳам бир йил ўтди. Шу кутлуг сана арафасида Чилонзор туман ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси, «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ҳамда 1-Тошкент педагогика коллежи ҳамкорлигида Сихат-саломатлик йиллиги бағишлаб Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқий театрида «Аёл ва маънавият» мавзусида тадбир бўлиб ўтди. Тадбирда Чилонзор туманидаги маҳаллаларнинг фаол аёллари ва 1-Тошкент педагогика коллежининг ўқитувчи ва талаба қизлари иштирок этишди. Унда Чилонзор туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Муаттар Содиқова сўзга чиқиб Фармон ижроси бўйича туманда ўтган бир йил давомида қилинган ишлар юза-

сидан ҳисобот берди. Жумладан ўтган даврда туманда 400 та аёл иш билан таъминланганлиги, маҳаллаларда фаолият олиб бораётган 45 нафар диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар ҳам ўз вазифаларига сидқидилдан ёндошиб ҳар бир оилага чуқур кириб бориб, уларнинг муаммоларини ўргатиб, керакли ёрдам ва маслаҳатларини бераётганликларини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Кизиқарли ва мазмунли ўтган тадбирда Фармон ижроси бўйича маҳаллаларда ибратли ва фаол иш олиб бораётган «1-Чарх-Камолон» маҳалласи хотин-қизлар комиссияси раиси М.Машарипова, «Катта Дўмбировода» ва «Хирмонтена» маҳаллаларининг диний маърифат ва

янгини инсонни шу тарзда топади... Назаримда, бола билан боғлиқ ҳар қанча оғир жисимидан жон ҳам ажрайди, ажрайди бу фазот азобини Худо компьютердан ўчирган каби аёл хотирасидан қовиб юборади. Бу ҳам синоат. Агар Худо унуттирмаганда ҳеч бир аёл боласини қўлига олмаган, бетига қарамаган, орқасига бурилмай кетеларкан бўларди. Алоҳ, ичиндан фарзанд деган тиконни оладию ўрнига тирногининг учигача тўлдириб Оналик меҳри уммонини солади. Шу бир парча эт дунёнига айланади. Ҳамма илгининг уни шунинга боғлиғи қолади. Мен ҳали бола билан жон ҳам кўчади яна изига қайтади, деб бекор айтиман. Бола билан бирга жон ҳам чиқади. Сенинг ҳаракатдаги ло-

Бугунги мақоламиз қаҳрамони ҳам келажакда халқининг ишончи ва меҳрига сазовор бўлиш, ўз билим ва иқтидори билан юксак чўққиларни эгаллаб, инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишдек шарафли касб эгаси бўлишни олдига мақсад қилган умидли аёлларимиздан Наргис Мейлиевадир.

Наргис бугунги кунда Тошкент Давлат юридик институтининг 2-босқич магистратурасини битириш арафасида турибди. Шунингдек, у жорий йилда Тошкент шаҳри бўйича фан йўналишида Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори бўлди.

У тенгқурлари орасида аёло ўқиши, жамоат ишларида фаолиги билан ёшлигиданоқ мактабнинг энг намунали ўқувчиларидан бири сифатида ажралиб турарди. Мактабни аёло баҳоларга тугатганидан сўнг Тошкент Давлат юридик институтининг ҳуқуқ факультетига ҳужжатларини топшириб, синов имтиҳонларидан муваффақиятли ўтди ва талаба-лиққа қабул қилинди.

— Наргис жуда камтар, илмли, зукко қиз, — дейди унинг илмий раҳбари Самад Ҳамроев. — Бу талаба ўзининг изланишлари, иқтидори билан келажакда юксак ностии меҳнудорликни арби «жнх ных судов» нашр этилди.

— Мен ҳаётда ҳамisha юксак манзилларга интилиб яшашни истайман. — дейди Наргис Мейлиева. — Бу юқори мартабани

*Зулфия номидаги Давлат мукофоти*

*совриндори*

**ЮКСАК МАНЗИЛНИ КЎЗЛАБ**

Аёлларни эъзозлаш, уларга юксак эҳтиром кўрсатиш кўхна Шарққа хос хусу... тлардан... ғиридир. Чунки аёлларимиз орасидан Тўмарис, Бибихоним, Нодира, Увайсий, Зебуннисо, кейинги асрларда эса Зулфия, Назира Аҳмедова, Сора Эшонтўраева, Мукаррама Турғунбоева каби ёрқин сиймолар етишиб чиқдики, уларнинг порлоқ юлдузлари замонлар оша ўчмас нур сочиб турибди.

Дарҳақиқат, Наргис ўз устиде тинмай ишлаб, изланиб, келажак сари интилмоқда. 2003 йилда институтни имтиёзли диплом билан тамолаб мазкур олий ўқув юртининг магистратурасига «Фуқаролик ҳуқуқи, фуқаролик процессуал ҳуқуқи, оила ҳуқуқи ва халқаро хусусий ҳуқуқ» йўналишига қабул қилинди. Ҳозирги кунгача 3 та илмий рисоласи яъни, «Халқаро арбитраж судлари фаолиятининг айрим жиҳатлари», «Мажбурий ҳуқуқи» ва рус тилида «Некоторые аспекты деятельности международных арби «жнх ных судов» нашр этилди.

— Мен ҳаётда ҳамisha юксак манзилларга интилиб яшашни истайман. — дейди Наргис Мейлиева. — Бу юқори мартабани



нинг ҳам алоҳида ўрни бор. Улар менга доимо ёрдам бериб келмоқдалар. Магистратурада ҳам бирга ўқиймиз. Ишонманки доимо ҳамқадам, ҳамфикр, маслақдош бўлиб она Ва-танимизга хизмат қиламиз. Ҳа, келажакда ёрқин нигоҳ билан боқиб бир олам ойдин ниёзлар, эзгу умидларни дилига тугаётган Наргис Мейлиевага биз ҳам фақат омад тилаб қоламиз. Умид қиламизки, Наргис келажакда она юртининг ишончини, меҳрини қозонади. Инсон маънафатларини ҳамма нарсадан устун қўйиб ўз касбининг фидойисига айланади. **Гулчеҳра ДҮРДИЕВА СУРАТДА: Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Наргис Мейлиева.**

*Аёл борқи, олам мунаввар*

**ҲАЁТ БОБИНИНГ ГҮЛЛАРИ**

Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитасининг саҳифаси

*Тадбирлар*

**АЁЛГА БАХТ БЕРИНГ, САОДАТ БЕРИНГ**

Маълумки, бугунги кунда хотин-қизларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги мавқеи ва фаолияти тобора ошиб бормоқда. Бунинг натижасида турли соҳаларда фаолият юритаётган аёлларнинг олиб бораётган ишларидан ҳам яққол сезиш мумкин. Ўтган йили Президентимизнинг «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини кўллаб-қувватлаш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони хотин-қизлар фаолиятида муҳим бир туртки бўлди дейиш мумкин.

Хана ушбу Фармон қабул қилинганлиги ҳам бир йил ўтди. Шу кутлуг сана арафасида Чилонзор туман ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси, «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ҳамда 1-Тошкент педагогика коллежи ҳамкорлигида Сихат-саломатлик йиллиги бағишлаб Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқий театрида «Аёл ва маънавият» мавзусида тадбир бўлиб ўтди. Тадбирда Чилонзор туманидаги маҳаллаларнинг фаол аёллари ва 1-Тошкент педагогика коллежининг ўқитувчи ва талаба қизлари иштирок этишди. Унда Чилонзор туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Муаттар Содиқова сўзга чиқиб Фармон ижроси бўйича туманда ўтган бир йил давомида қилинган ишлар юза-

сидан ҳисобот берди. Жумладан ўтган даврда туманда 400 та аёл иш билан таъминланганлиги, маҳаллаларда фаолият олиб бораётган 45 нафар диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар ҳам ўз вазифаларига сидқидилдан ёндошиб ҳар бир оилага чуқур кириб бориб, уларнинг муаммоларини ўргатиб, керакли ёрдам ва маслаҳатларини бераётганликларини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Кизиқарли ва мазмунли ўтган тадбирда Фармон ижроси бўйича маҳаллаларда ибратли ва фаол иш олиб бораётган «1-Чарх-Камолон» маҳалласи хотин-қизлар комиссияси раиси М.Машарипова, «Катта Дўмбировода» ва «Хирмонтена» маҳаллаларининг диний маърифат ва



маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари Р.Расулова ҳамда Б.Тошқўжаевлар туман хотин-қизлар кўмитаси томонидан эсдалик совғалари билан тақдирланди. Тадбирда шоира Зулфия Мўминова аёлларни мадҳ этувчи шеърларидан ўқиб берди. Йиғилиш сўнгида ёшларнинг соғлом турмуш тарзини шакллантириш, маънавий дунёсини бойитиш мақсадида Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқий театрида саҳналаштирилган «Бахтли бўл, дугонажон» номли спектакль намойиш этилди.

**Гулчеҳра НОЗИМХОЖИЕВА СУРАТДА: Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқий театрида бўлиб ўтган тадбирдан нақша.**

Наталья Семёнова олган сурат.

*Заҳматқашларимиз*

**МАҲАЛЛАНИНГ ЖОНКУЯРИ**

Узим шу тоифадан бўлсам-да, аёл климининг ҳайрат билан қузатаман. Аллоҳнинг бетакор мўъжизаси у. Бир жойда айтибман: аёл сирли бир китоб — арақлаган саринг кизиги чиқаверади. Йил фасллари фақат тўртта, аёлнинг этган одам битта фасли бор. Уни буткул тушуниб етган одам йўқ бу дунёда. Уни томоша қилиб зериккан инсон йўқ ер юзида. Унга иши тушмаган киши йўқ. Уни сўймаган ва у деб қуймаган... эркак зоти йўқ. Уни ёзмай қимни ёзай, қимни таърифлай? Аёлни тушунишинг ўзи бир илм. Бу илмга етишганлар қанча кўпайса, бахтли аёллар сони шунча кўпаяжадир.

чечаклар юмилган. Бу камликдан, бу яримликдан, бу ҳувиллашдан жунжиккан юрагингиз ҳам қобиргаларингиз остига чўкиб, мунгайиб олади... — Онанг қайёқ кетди? - зарда билан сўрайди эркак. — Мен эртага борадиганман, онам уйда бўлиб турсинлар. - тайинлайди узатилган қиз. — Аяж-о-о-н, сиз қани? - Остонада онасининг орқасидан чириллайди қизалоқ. — Қуним оқшомга ўхшайди, етимлар зор қақшайди. Етимнинг ҳолини сўрсанг, оноси йўққа ўхшайди, — дея бағри сим-сим оқиб йилгайди мен каби онасизлар...

Аёлни аёллик юки қадамида ер тишлатиб

**МИНГ БИТТА ФАСЛ СОҲИБАСИ**

Фарзанд дунёга келар экан, аёл ўз этининг нимта-нимта бўлаётганини, сўнгаларининг қирсиллаётганини аэшитиб туради, жисмига ўт тушади. Жон таслим қилаётган кишида нафас қандай бўзига тикилиб келса, кўз чаноғидан жилса, бу дунё билан у дунёнинг ораси қилчалик қолса,

нинг қолади, холос. Энди жонинг — шу бола. Шу бола оғриса оғриб, йиғласа йиғлайсан. Аввал жонингни қовургаларингнинг орасида беркитиб саклардинг, энди у тўрт томонидан шамол уриб турган ерга тушиди. Ох, уни асраш нақадар оғир. ...Эсламайди эмас, бола топнишдаги оғриқни аёл эслайди, фақат бир ҳолатда — қачонки, фарзанди уни куйдирса. Ушанда ҳам «Сен туғилмай қўя қолсанг бўлмасмиди?» дейди. «Сенинг ўлганин яхши эди», деймайди. «Сени туғмай мен ўлай» дейди. «Уша тўлқоннинг ичиде ўлиб кетаверсан бўлмасмиди» дея фарёд солади. Сўяларимиздан синдириб ўйиб ясадинг, Аллоҳ, ўғлонларимизга инсоф бер. Этларимиздан узиб қиз бино қилдинг — қизларимизга тўзим бер.

**Турсуной СОДИҚОВА, шоира**

Уларга масъул энг аввало ота-оналар. Қолаверса, сизу биз, маҳалла аҳли, кўни-қўшиллардир. Ҳозирги ёшлар нимага қизиқишяпти, қандай кийинишяпти, қандай овқатланишяпти, иқтисодий аҳволлари қай даражада, қайси билымини эгаллашга ёки байхунарни ўрганишга ихлос қўйишяпти? Қандай китоб ўқишяпти, қандай китоб кўришяпти, қандай китоб ўқитишяпти? Шулларга бир назар солайлик. Муомалалари қандай? Ички маданиятлари ташқисига мосми ёки мос эмасми? Уларнинг ҳаммаси бизга аён, кўриб турибмиз, ҳис этияпмизку, аммо бефарқмиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўтган йил 25 майда қасти «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини кўллаб-қувватлаш бо-

расидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони хотин-қизларини мудроқ уйқудан уйғотиб қўйди, қадимизни кўтарди. Маҳаллаларда кўпни кўрган, оқила, тажрибали аёллардан сайланувчи диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозими жорий қилинди. Чунки, аёлларнинг қўлидан жуда кўп нарса келишини ҳамма билади. Ва бу Фармон ҳозирги кунда ўзининг ижобий самарасини кўрсатмоқда.

Уйингизда кечаётган ҳаёт, ўсаётган авлод, кўшингиз, кўчангиз, маҳаллангизда бўлаётган воқеаларни кўриб турибсиз. Ёшларимиз қайёққа қараб кетишяпти? Шундай имкони бор даврда ўқишга меҳр қўйиш ўрнига уларнинг баъзилари вақтни бекор ўтказиб ичиш, чекиш, беъмани ишлар қилишга сарфлашяпти, ношукрчилик қилишяпти. Биз бундай ношукрлар қалбидан жой топтоғимиз керак, тош кўнглиларини эритиш учун ўтмишдаги оғир ҳаётни, уруш йилларидаги оч-ўчун болалар аҳволини, меҳнат-машаққатга чидаб охири қандай юксак даражага етишганларини мисол тарзда тез-тез ёдларига солмоғимиз лозим деб ўйлайман.

Қизларимизга эса оруномуснинг юксаклигини, ҳаё, ибо нечоғлик зарур эканлигини, қизнинг қадрини, ҳаётнинг аччиқ қисматларини ва унга чидаш лозимлигини ҳаётий мисоллар билан ҳикоя қилиб беришимиз жуда зарур. Бу ўринда нафақат ёш қизларимизга, балки уларнинг оналарига ҳам уқдирмоғи-

миз керакки, улар қиз узалотаман деб сарпо-сурўқ йиғишади, зару зарбоф, турли хил қимматбаҳо идиш-товоқ, мебеллар олиш учун тинмай савдо-сотик қилиб юртма-юрт юришади-ю, қизларига ҳаё, одоб, ахлоқ, хунар ўргатиш зарурлигини унутишади. Ўзларига ўхшаган бой-бадавлат куда излашади.

Тўғри, кейинги пайтларда қизларга чеварлик, пал-зандалик хунарларини ўргатиш урф бўлиб қолди. Аммо муомала, камтарлик, босиқлик, ҳалоллик, қадр-қиммат ҳақида гапириш кераклиги, қизнинг хаёли

ва яна бошқаларнинг суратлари, ҳаёт ва ижодларидан намуналар кўйиб бир гўзал хотира бурчаги ташкил этдик. Маҳалламиз худудиде яшайдиган мактаб, коллеж ўқувчиларидан қизлар ушмасини ташкил этдик. Унда қизларга одоб-ахлоқ, му-

нимада эканлигини ўйлаш-маяпти. Балки оналарнинг бунга вақтлари етишмас, балки ҳаёт тажрибалари озлик қилар, бунини сизу биз ўйлаб, чуқур мулоҳаза қилиб ўз зиммамизга олайлик. Гўзал хулқдан сабу қаноатли, ҳар томонлама ҳушмуомала қизларни тарбиялаб ҳаётга узатайлик.

Тўғри, баъзан ёшлар бу фикримизга, талабимизга қаршилик қиладилар. Аммо биз уларга эзгулик оқибати албатта яхшилик билан тугашини исботлаб бера оламиз. Ва уларни ўзимизга, сўзимизга қулоқ соладиган қилиб вояга етказишга иродамиз етади деб ўйлайман.

Сергаклигу, меҳрибончилик ва талабчанликни бўшаштирмайлик. Менга маҳаллада диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи вазифасини тақдир этишди. Қучимга куч, ғайратимга ғайрат қўшилгандек бўлди.

Зиммамга масъуллик юки юкланди, энди фаоллар билан бирлашиб тартибсизликларнинг олдини олишимиз керак. Нафақат ёшлар орасида, балки катталар, аёллар ўртасида ҳам баъзан ноўғай ишлар учрамоқда. Қўйинчи, гап кўп. Ўзгалар дардини оладиган, етим бошини силаш, билиб-билмай турли йўللарга кириб кетатганларни асраб қолиш керак.

Узоқ тарихга эга бўлган Шайхонтоҳур туманидаги ўзим яшайдиган «Камолон» маҳалласидаги менга ажратилган хонага меҳр қўйдим. Хонани озода қилиб, девор, эшикларини мойлаб, имкон борича жиҳоз-

ладим. Уйимдаги бор адабий-бадий, ахлоқий, сиёсий, диний ва маърифий китобларни олиб чиқиб кутубхона ташкил қилдим. Қолаверса шоир ва ёзувчиларнинг рус ва ўзбек тилидаги ноёб асарларини ҳам китоб жавонига тахладим. Ундан маҳалла аҳли, ёшу кекса фойдаланиб келмоқда. Маҳалламизда яшаб ўтган машхур кишилар: Хабибийнинг девонларини суратлари билан бирга, Комилжон Жабборов, Ортиққўжа Имомхўжаев, Саттор Ярашимов, нақшош усталар — Уста Ширин, Тошпўлат ота

ва яна бошқаларнинг суратлари, ҳаёт ва ижодларидан намуналар кўйиб бир гўзал хотира бурчаги ташкил этдик. Маҳалламиз худудиде яшайдиган мактаб, коллеж ўқувчиларидан қизлар ушмасини ташкил этдик. Унда қизларга одоб-ахлоқ, му-

омила, меҳмон қутиш, кийиниш маданияти, қадимий урф-одатларимиз, қадриятларимиз, одамийлигимиз ва самимийлик ҳақида суҳбатлар ўтказиб келяпмиз. Шунингдек, ёшларнинг адабиёт ва санъатга бўлган ихлосларини янада кучайтиришга ҳаракат қилмоқдамиз. Умуман ёшларнинг ички ва ташқи маданиятига катта эътибор бераёпмиз.

Қолаверса биз фаоллар, кўча бошиқлари, тўй маросими ҳайъати аъзолари билан тез-тез учрашиб маҳалла аҳлининг тинч-тотув яшаш, ёшлар тарбияси, тўй-маросимларимизни тартибли ўтказиш тўғрисида суҳбатлар қуриб, уни оилада, кўчада, мактабда, маҳаллада кенг тарғиб этишларини илтимос қиламиз.

Ўтган йили маҳалламиздаги 34-мактабда Хожа Ахрор Валийнинг 600 йиллик тўйларини ўтказдик. Унда шарқшунос олимлар, Ислом университети ўқитувчилари, туман Маънавият ва маърифат бўлими ва киллари, ҳокимият вакиллари, «Камолон» масжиди имоме, кекса отахонлар, онахонлар, мактаб ўқитувчи ва ўқувчилари иштирок этдилар.

Биз маънавияти бой, тарихий буюк халқимиз, шуни аввало ўзимиз тушуниб етган ҳолда кенг оммага аниқ ва равшан қилиб етказсак, юқорида айтган муроди-миз ҳосил бўлади. **Нилуфар АЛИХОНОВА, Шайхонтоҳур туманидаги «Камолон» маҳалласининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси**

## Шарқ дурдоналари



● Қилинган насиҳат қабул шарафига мушарраф бўлмаса бунинг иллоти кўпроқ насиҳатгўйнинг нўноқлигига боғлиқ. Чунки олим комил бўлса, қилган ваъз-насиҳатнинг остида бирор ғарази бўлмаса, эшитувчининг қабулига муассар бўлади.

Байт:

**Насиҳатин таъсири бўлмаса ҳеч кишига, Таажжубмас,**

**Дилида ғарази бор кишининг.**

**Яхши камон бўлса-ю камонгар уста бўлса,**

**Ўқи нишонга тегмай қолмас зинҳор кишининг.**

● **Ҳикмат.** Ҳар кимнинг феъл-у атоворида нуқсон бўлса, унинг қилган ваъзу насиҳатини ҳеч ким қабул қилмайди.

Байт:

**Сўзларингни эшитмаса ҳеч кимса,**

**Беҳудуга чекма жабуру жафони.**

**Ўз нафсинга ўқи аввал насиҳат,**

**Токи бузмай юрсин аҳду вафони!**

● **Ҳикмат.** Ҳар ким тўхматчилар қаторида ўтирса, уни тўхматчиликда айбласалар, ўзидан ҳафа бўлсин. Ҳар ким ўз сирини аширса, надомат ва пушаймонлик тортмайди. Бу ҳақда яхши айтганлар:

**Ошқор қилиб бўлмас сирларинг бўлса,**

**Дилингда жойла-ю унга муҳр бос.**

**Эл оғзига тушгач, зиёни кўпдир,**

**Икки лаб ичидан сир чиқса беҳос!**

● Ёлғондан ичишган қасамнинг оҳиди хорликдир. Ўлим ҳавфи бўлса ҳам, ҳамини рост сўзламоқ керак.

● Доимо парҳезгар ва доно кишилар билан маслаҳатлашмоқ керак.

Байт:

**Насиҳатим бўлса бегараз,**

**Жони билан тинглайд киши.**

**Фойдаи ё зиён барибир,**

**Тинглайвериш бефаҳм иш!**

● **Ҳикмат.** Аристоктель шундай ёзади: «Иззат тилсанг ифбатли бўл, улуглик тилсанг мулоим бўл, зафар тилсанг адалат йўлини тут, қад тилсанг ростгўй бўл, наҳот тилсанг сабр қил, илм ўрганмоқчи бўлсанг жидду-жаҳд қил!»

Байт:

**Дунё моли гуё бўлут сояси,**

**У ёндан бу ёнга ўтар ҳар замон.**

**Шуниг учун молнинг эътибори йўқ,**

**Бир онда ўзгариб қолар ногаҳон.**

**Ҳушёр киши шундай кишики доим.**

**Топганини элга қилади эҳсон.**

● Бир ёлғончи ва беҳуда сўзловчи киши лоф кўчасига кириб, дерди:

**«Мажаستير» бирла «Уқлидис» билурман,**

**Бу фан бобидо юзни мот қилурман.**

Замона саҳифасида ва замин омон теграсида, умуман, эл орасида нимаики бўлса менинг кўзларимга аён-дир!

Унинг беҳуда ва паришон аҳволидан воқиф бир доно унга деди: «Кўп баланд пастга учма, ёлғончилик кўйига тушма! Узоққа бориб юрмайлик, айтчи, ягингдаги соқол-лик толаси нечта?»

Байт:

**Беҳуда гапларни гапирса киши,**

**Гапидан ортажақ бошда ташвиши.**

1982 йилнинг 30 апрели биз «Оқшом»-чилар ёдида бир умрга муҳрланиб қолган. Қутилмаганда бош муҳарриримиз Саъдулла Кароматов биздан кетадиган — бошқа ишга ўтадиган бўлиб қолди. Нимага? Бирор сабаби борми ўзи? Ахир «Оқшом»нинг туғилган кунидан бошлаб ўз фарзандикдек авайлаб-асраб, тетапояликдан катта қилиб келаётган, газета довуғини бутун республикага таратиб, тахририят жамоасининг қадрдони ва устози бўлиб қолган бош муҳаррирининг ўрнини нима учун совутишмоқчи? Унинг ўрнига ким келади? Уша кезлари мана шу савол ҳаммамизни бирдек қийнади. Бироқ ҳеч биримиз Саъдулла аканинг бу даргоҳдан кетишини хоҳлама-сакда, лекин биронтанимиз у кишидан бу ҳақда сўрашга ийманардик, ботинмасдик. Бош муҳарриримизнинг ўзи сирли эди, кетиш хусусида чурқ этиб оғиз очмасди. Унинг юриш-туришидан, қарашларидан кайфияти йўқлигини, янги иш жойига ўтишни унчалик хуш кўрмаётганини сезиб турардик. Аслида ҳам биздан кўра 16 йиллик умрининг мазмуни, ҳамроҳи, маслақдоши бўлиб қолган «Оқшом»ни тарқ этиш Саъдулла Кароматов учун оғир эди.

Тушқун кайфиятда юрган ана шундай кунларда бизни бош муҳаррир хонасига тақлиф қилишди. Саъдулла ака ўз ўрнида, ўз иш столида ўтирар, ўзини қанчалик бепарво тутишга уринмасин, унинг ички туғени тез-тез юзига телиб турарди. Ҳамманинг кўзи бош муҳаррирда. Ниҳоят у ўрнидан вазмин кўзгалди, оҳишта сўз бошлади.

— Ҳар бир нарсанинг вақт-соати бор. Менинг ҳам сизлар билан хайрлашадиган фурсатим келди чоғи. Ҳукуматимиз меҳнатчиларимни қадрлаб, мени юксак мартабали лавозимга — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг уринбосарлиги вазифасига тақлиф этаётган экан, мен бу ишонч қабул қилмай, оқламай иложим йўқ. Лекин ўзимга қолса сизлардек кадрдонларим билан ҳали-вери хайрлашгим йўқ эди. Кечирасизлар, бошқа гапиролмайман...

Саъдулла аканинг кўнгли тўлиб туслига ўтириб қолди. Кўпчилигимиз кўзимизга ёш олдик. Чиндан ҳам, Саъдулла Кароматовдек гамхўр, меҳрибон, ишда қаттиққўл, моҳир журналистдан ажралиш оғир эди. Ушанда Тўлқин Расулев дам олишга эди, ноҳус хабарни эшитиб тахририятга келди. Саъдулла акадан кўнгли сўрамоқчи бўлиб олдиға кирди. Шошилинч ва ҳаяжонда нима дейишини билмай:

— Саъдулла ака, эшитдим, ёмон бўлибди, — деб юборибди тўсатдан. «Йилқилгани тепгандек» бу гапга Саъдулла аканинг энасиси қотиб индамабди.

Ростдан ҳам баъзан бундай оғир ҳолатларда галати ҳаёлотларга берилиб қоласан киши. Олдиндан ўйлаб қўйган гапларинг ҳам эсингга келмай қолади.

Шу ўринда шунга ўхшаш кичик бир воқеани эслашимизга тўғри келди. Машҳур ўзбек санъаткорларидан бири ўзи билан бирга ишлайдиган рус миллатига мансуб жамоадорларидан бирининг уйига таъзияга (унинг онаси вафот этган экан) кета туриб йўлда бош режиссёрдан: «Ўзбекларда бундай вақтда азадорга «Сизга сабр берсин, бандалик» дейилади. Русларда нима деб кўнгли сўралади», деб сўрабди. Шунда бош режиссёр: «Ваше горе разделяю, дейилади!» дебди. Машҳур артист шу сўзни эсдан чиқармаслик учун йўлайлақай тақрорлаб бораверишибди. Бориб азадор билан кўриша туриб тўсатдан, ҳаяжонда: «Ваше горе поздравляю» деб юрган экан. Тўлқин ака Расулевнинг бош муҳарриримиздан кўнгли сўраши шунга ўхшаш гап бўлганини эшитиб роса кулишдик.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, соhib «Оқшом»чи Алиназар Эгамназаров ҳикоя қилади:

— Саъдулла Кароматовдан кейин мен бу газетادا яна беш йил ишладим. Янги муҳаррир даврида газета макети, безаги бироз ёмонлашган, газета ўзига хос қиёфасини йўқотган бўлса-да, мазмун-мундарижаси илгаригидан ҳам яхшиланиб, материаллардаги танқидий руҳ кучайди. Газетادا республика пойтахти ҳаётидаги камчиликларни очиб ташловчи ўнлаб танқидий, муаммолли мақолалар, фелъетонлар босиди.

Узоққа бормай ўз иходимдан мисол келтираман. Ушбу эсдаликни ёзишга тайёр-

гарлик кўраётиб, шахсий архивимни қараб чиқдим. «Оқшом»да «Шаҳар юбилейга тайёрланмоқда» рўқнида «Қўйлик» даҳаси муаммолари» сарлаҳали танқидий мақолам эълон қилинган экан. Шу мақоламга кўз югуртирганимда у билан боғлиқ воқеа эсимга тушди.

Мақола эълон қилинган куни эртаси ишга бурсам, муҳарриримиз Ш.Убайдуллаев хонамга кўнгирак қилиб, ҳузурига киришимни сўради. Мен унинг ёнига кирдим.

— Кечаги мақолангиз бошдан-оёқ ёлгон эканку, — деди бош муҳаррир мен билан саломлашган даб-дурустан.

— Буни сизга ким айтди?

— Тўман раҳбарлардан бири ҳозир кўнгирак қилиб шу гапни айтди ва газета орқали биздан кечирим сўрайсизлар, — деб талаб қилди.

## Ҳикоят саҳоси

«ОҚШОМ»НИНГ  
ЎТГАН КУНЛАРИ

## ЎН ЕТИНЧИ ҲИКОЯ

— Комиссия тузиб текширтиринг, — дедим мен.

— Биз ўша раҳбар билан келишдик, — деди бош муҳаррир. — Эртага мен, у ва сиз Қўйлик даҳаларини айланамиз. Мақолада ёзилган гаплар қай даражада рост ёки ёлгонлигини ўз кўзимиз билан кўрмоқчимиз. Кейин шунга қараб иш тутамиз.

— Яхши.

Кечки пайт мени яна қақиртирди.

— Менга кўнгирак қилган раҳбар эртага келолмас эмиш, бошқа зарур иш чиқиб қолибди. Ўрнига икки уринбосарини юборадиган бўлди. Шу боисдан мен ҳам Қўйлиққа бормайман. Улар билан сизнинг ўзингиз борасиз. Тахририят суратчиси сизга ҳамроҳ бўлсин. Қўйлик даҳаларида қаер расво бўлса, ҳаммасини суратга олсин.

Мен жилмайиб қўйдим. Рақибнинг чекиниши бошланди, — деб кўнглимдан ўтказдим.

Эртасига ўша раҳбарнинг икки ўринбосари, мен ва суратчи Ҳолмат Мирзакаримов Қўйлик даҳаларини айландик. Мен Ҳолматга секин:

— Қаер расво бўлса кўз қисаман. Уша ерни суратга олаверасан, — деб тайинладим. Ҳолмат шундай қилди. Уринбосарларнинг жаҳллари чиқиб, хатто биз билан ғижиллашиб ҳам олишди. Лекин Ҳолмат тайинланган ишми қилаверди.

Эртасига бош муҳаррирнинг столига Қўйлик даҳаларидан олинган 25 та суратни қўйдим. У суратларни кўргач, афти буришдида:

— Вой-бўй, тоза расво эканку, — деди. Шундан кейин у шарт телефон гўшагини кўтариб, ўша раҳбарга кўнгирак қилди.

— Ходимларимиз Қўйлик даҳаларининг мудири манзаралари акс эттирилган 25 та суратни олиб келиб столимга қўйишди. Айбларингизга икор бўлиб, мақолада айтилган камчиликларни тўзатасизларми ёки эртдан суратларни газетادا бера бошлайликми?

— Камчиликларни тўзатамиз.

Орадан кўп ўтмай яна бир топширик олдим.

— Замонавий чойхона ҳақида мақола тайёрланг. Сизга бир ҳафта муҳлат, — деди муҳарриримиз.

Мен айтилган вақтда «Замонавий чойхона. У қандай бўлиши керак?» сарлаҳали, газетادا қарийб бир саҳифани оғаллаган мақола ёздим. Мақола эълон қилинган, зўр акс садо берди. Хатто у юқоридаги раҳбар ходимларга ҳам маъқул бўлиб, уларнинг кўрсатмаси билан маҳалларда муҳокама қилинди. Шаҳарда миллий клубимиз бўлган чойхоналарга эътибор кучайди. Ўша мақолада ҳақиқий маҳалланинг ўз гузари бўлиши кераклиги, кўп қаватли уйлардан иборат даҳаларда ҳам маҳалла марказларини барпо этиш лозимлиги биринчи марта айтилганди. Мамлакатимиз ўз мустақиллигини кўлга киритгач бу вазифа маҳаллаларни обдонлаштириш дастурларига киритилди. Тошкентда ва республика вилоятларининг марказларида қўлаб маҳалла марказлари бунёд этилди.

Ҳар қандай янги бошлиқ ишга келиши билан ўша жамоада ўзига хос қандайдир

янгилик қилишга интилади. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Юқорида айтиб ўтилганидек, газетادا танқидий чиқишлар кучайди. Адабиёт ва санъат масалаларига эътибор ортди. Газетага янги кўларга кириб келди. Бу иқтидорли ёшлар орасида озгин, қорачадан келган бир йигит — Мухаммад Юсуф/Ўзбекистон халқ шоири, марҳум/бор эди. У «Оқшом»даги биринчи қадамими мусаҳҳихликдан бошлади. Кўп ўтмай Мухаммадхон ўз мақолалари, шеърлари билан жамоанинг тилига тушди. Орадан бироз муддат ўтиб у шаҳар ҳўжалиги бўлимига ўтиб ишлаш бошлади. Кейинчалик эса шу йигит «Оқшом»нинг адабиёт ва санъат бўлимини/ўшанда бўлим мудирин, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Хошимов бошқа ишга ўтганди/ бошқарди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Сирожиiddин Саййид эсдаликларидан:

— Мухаммад Юсуф «Тошкент оқшоми» газетасига 1982 йилнинг кузида ишга келган эди. Ушанда мен меҳнат таътилида эдим, Сурхондарёдан қайтиб, ишга чиққаннимда мусаҳҳихлар хонасида саҳифа ўқийётган қорачадан келган, озгин жуссалли, сочлари куюк, ўта хомуш бегона йигитни кўриб ажаблангандек бўлдим. Мусаҳҳихларимиз маликиси Мухаббатхон мени кўргани заҳоти саҳифадан бош қутариб: «Вой! Ана, Сирожиiddин ҳам келди!» дея одатдагидай хандон отиб, қарақлаб кетди, бегона йигит ҳам менга қараб ним табасум билан ўрнидан турди. Кўришдик. Маликамиз дарров бизларни таништириб қўйди.

— Танишинг, Мухаммад ака Юсупов биза билан ишловоттила, шеър ҳам ёзарканла...

Бизнинг Мухаммадхон билан илк кўришимимиз ана шундай бошланган эди. Шу кундан эътиборан бирга ишлаш бошладик. Аста секин бир-биримизни билиб, яқиндан танишиб бордик. Мухаммадхонда мени ўшанда ҳам, ундан кейин ҳам ҳаминша ҳайратлангирган ҳолат — унинг ҳаддан ташқари камгаплагийо жимжитлиги, давраларга арашмасдан яхма-ёлғиз ўй суриб юришлари эди. Бу хомушлик баъзан сўхбатдошига эришдек туюлсада, лекин оғир ботмасди.

— Газетادا ишлаш қизиқ бўларкан, — деди бир куни Мухаммадхон. — Вақтинг ўтганини билмай қоларкансан. Ёзмасанг ҳам бир нарсаларни ёзинг келаверади.

Беш-олти ойлар ўтгандан кейинми, уни газетанинг шаҳар ҳўжалиги бўлимига ўтказишди. Мен — «Ахборот қирли» деб ном қозongan, филзинг хартумидан ҳам бир янгилик суғуриб оладиган тажрибали журналист Абдулла Пулатов мудириликдаги ахборот бўлимида, дўстимиз — бу бўлимда, гўёки иходий ҳамкорлигимиз бошлангандек эди. У бўлимининг Алпомиш келбатли мудирини, шаҳар ҳўжалигининг биллимини, ҳаминша хўшумомали Раҳматулла ака хоналарига кирганимда мени ўтиргазиб: «Энди окоси, оғайнигиз ёрдам берасиз, биргаллашиб, маслаҳатлашиб ишлайсиз», дея иккимизга ҳам кўп йўлайиқлар берган эди. Кейин Мухаммадхоннинг «Тошкент оқшоми» саҳифаларида тез орада газетхонлар эътиборини қозongan машҳур, «шеърли лўқма»лар «Мақсад Яхшиев» тахаллуси остида чика бошлади. Шундай қилиб, Мухаммадхон шаҳар ҳўжалиги муаммоларини шеърли йўсида, ўзига хос тарзда ёрита бошлади. Бу газета учун ҳам, газетхонлар учун ҳам қутилмаган янгилик эди. Йил ўтиб Мухаммад Юсуф адабиёт ва санъат бўлимига бошчилик қилди.

Ҳар бир инсон ўзидан боғ, умуман яхшилиқ қолдириши керак, деган гап бор. Биз «Оқшом»чилар ҳам дарахт эканмиз. «Шаҳар ўртасидаги бир туп оқ ўрик» номли мақола «Ешлик» журналинда эълон қилингандан кейин, газета тахририятлари биноси олдида ҳозир барқ уриб, ўсиб турган ўрикларни эканмиз. Лекин назаримда ҳақиқий журналистнинг эккан чинорлари бўлақадир. У истевдоди ва тафаккурини, биллимини сарфлаб ёзган, газета саҳифаларида эълон қилинган мақолалари, очерклари ва лавҳалари ҳамда фелъетонларини у эккан чинорларга ўхшатгимиз келди.

Ўтан йиллар давомида «оқшом»чилар бундай чинорларни бисёр экишди. Биз шундай оқибатли жамоа сафида бўлганимиздан ҳаминша фахрланамиз.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ

**Биласизми?****САЛОМАТЛИГИНГИЗ  
УЧУН**

Сайёрамизда жонзод борки, ҳавосиз яшай олмайд. Саноати ғоят ривожланган, транспорти кўп, аҳоли зичлиги ортиб борган шаҳарларда ҳаво мусаффолиги ёмонлашади.

Қадим замонларда конда ишловчилар ўзлари билан шахталарга канарейка қушини олиб боришаркан. Қушлар шахтада ҳосил бўлган ҳар хил заҳарли газларни сезишлари билан эгаларини огоҳлантирган. Ҳозирги вақтда баъзи мамлакатларда қувурлардан ёнувчи газлар чиқишини махсус ўргатилган итлар ёрдамида аниқлашмоқда.

Атроф-муҳитдаги ҳосил бўлаётган ўзгаришларни сезишда ўсимликлар ҳам катта роль ўйнайди. Йирик саноат шаҳарларида дарахт пўстлоқларидаги лишайниклар тобора камайиб борапти. Бунга ҳаво таркибида олтингутурт қуяндисининг ҳиди кўпайганлиги сабаб бўлмоқда.

Олимларимизнинг аниқ маълумотларига қараганда, одам саломатлиги учун ҳамшиша посбон бўлиб келаётган, яъни ўзидан ксиловод чиқариб соя-салқин қилувчи ҳамда кишиларга гўзал манзара берувчи дарахтлардан — арча, оқ акация, чинор, тикондарахт (гледичия), тол, терак, клён; мевали дарахтлардан — ўрик, олма, жийда, олхўри, тут, нок; бута дарахтларидан — дўлана, наъматак, настарин; ўзидан хушбўй эфир мойи чиқарадиган манзарали гуллардан — атиргул, қашқаргул, чиннигул, чамандагул, шойигул, қўқонгул, гулбеор, тугмачагул, дастаргул, наврўзгул, лолагул, гунафшагул, флоксе, хризантема, райхон кабилар ҳавонинг ифлослинишига энг кўп бардош берадиган ўсимликлардан ҳисобланади. Бу дарахт ва гулларни саноат корхоналарининг худудларига, автомобиллар серқатнов бўлган йўл четларига экиш керак.

Манзарали дарахтлардан — дуб, катальпа, каштан; мевали дарахтлардан — ёнғоқ, гилос, шафтоли; гуллардан — бегония, картошқагул, гладиолус, гулсафсар, пиёзгул (лилия), оқ наргис, пиёзгуллар маданият ва истироҳат боғларига ҳамда даволаш муассасаларининг худудларига ва болалар боғчаларига экилса, кишилар саломатлиги учун катта фойда келтиради.

Равшан ХАТАМОВ,  
Тошкент Молия  
институтини талабаси.

**Ойбек таваллудининг 100****йиллигига****АДИБНИНГ АДАБИЙ  
МЕРОСИ ВА ЁШЛАР**

Мамлакатимизда атоқли адиб Мусо Тошмухаммад ўғли Ойбек таваллудининг 100 йиллигини нишонлашга кизгин ҳозирлик кўришмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг Мусо Тошмухаммад ўғли Ойбек таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги қарори адиб ҳаёти ва ижодий фаолиятини, адабий меросини янада чуқур ўрганишда муҳим омил бўлмоқда.

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида адиб таваллудига бағишланган таъкид этилган анжуманда шу ҳақда гап борди.

Адабиётшунос олимлар У.Норматов, А.Расулов, Қ.Йўлдошев ва бошқалар адиб асарларида илгари сурилган эзгу гоёлар китобхонларни поклик, гўзаллик ва баркамоллик ундаб келаётганини таъкидлади.

Анжуманда Ойбек ижодини талаба-ёшларга чуқур ўргатишда, улғайиб келаётган авлоднинг унинг асарларида илгари сурилган юксак гоёлар — ватанга садоқат, халқпарварлик ва миллатпарварлик руҳида тарбиялаш борасида адабиётшунослик фани олдида турган вазифалар хусусида фикрлашди.

Б.ХИДИРОВА,  
ЎЗА муҳбири

**“ЭКОСАН” — ЭНГ ЯХШИ  
АМАЛИЁТЧИ**

“Экосан” халқаро ташкилотда “Экология ва саломатлик кунлари”нинг 1-босқичи якунлари ва 2-босқич мақсад ва вазифаларига бағишланган “Экосан” фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вазирилик ва идоралар, жамоат ташкилотлари раҳбар ва вакиллари, ОАВ ходимлари иштирок этди.

БМТнинг аҳоли яшаш жойлари бўйича маркази “UN-HABITAT” томонидан таъсис этилган “Атроф-муҳитни яхшилаш борасида энг яхши амалиёт” Халқаро Дубай мукофотида тақдим этилган 700 ишдан “Экосан” ташкилотининг “Экология ва саломатлик кунлари”ни ўтказиш ташаббуси “Энг яхши амалиёт” деб топилди. “Экосан”нинг ушбу тажрибаси “UN-HABITAT” нинг энг яхши ҳаракатлар бўйича глобал маълумотлари тизимига киритилади ва аҳоли яшаш жойларининг барқарор ривожланишига эришиш мақсадида ишлатилиши кўзда тутилган.

Шу муносабат билан атроф-муҳит ва инсон саломатлигини муҳофаза қилишга йўналтирилган тадбирларни янада кучайтириш мақсадида “Экосан” халқаро ташкилоти бир қатор вазирилик ва идоралар ҳамкорлигида “Экология ва саломатлик кун-

лари”нинг “Сихат-саломатлик йили” ва Наврўз байрамига бағишланган биринчи босқич тадбирларини амалга оширди. Ушбу босқич доирасида “Экосан” томонидан экологик жиҳатдан носоз бўлган минтақаларга жами 110 млн. сўмлик инсонпарварлик ёрдамлари ортилган 5та “Экосан” саломатлик поездлари жўнатилди. Умуман биринчи босқич доирасида кўрсатилган инсонпарварлик ёрдами 208,4 млн. сўмни ташкил қилди.

Биринчи июндан бошлаб, “Экология ва саломатлик кунлари”нинг бутунжаҳон атроф-муҳит кунига бағишланган 2-босқичи ва унинг доирасида 1-10 июнь кунлари “Санитария, гигиена ва экологик маданият” декадаси ўтказилиши режалаштирилган.

Гулбахор САТТОРОВА,  
“Туркистон-пресс”

**ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪОНЛАР | ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪОНЛАР**

**“Фарҳод деҳқон бозори” ОАЖ Кузатув кенгашининг қарорига биноан 2004 йил якуни бўйича молиявий-хўжалик фаолияти юзасидан 2005 йил 24 июнь куни бўладиган акциядорларнинг Умумий мажлиси кун тартибига қайта қуйидаги масалалар киритилди:**

1. Жамиятнинг 2004 йил якуни бўйича иш фаолияти юзасидан жамият бошқаруви раисининг ҳисоботи.
2. Жамиятнинг 2004 йил якуни бўйича молиявий ва хўжалик фаолияти юзасидан Аудиторлик хулосасини тасдиқлаш.
3. Жамиятнинг 2004 йил якуни бўйича молиявий ва хўжалик фаолияти юзасидан Тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш.
4. Жамият Кузатув кенгашининг 2004 йилдаги фаолияти ҳақидаги ҳисоботини кўриб чиқиш.
5. Жамиятнинг 2004 йил молиявий-хўжалик ҳисоботи якуни бўйича жамият балансини тасдиқлаш.
6. Жамиятнинг 2004 йил молиявий-хўжалик ҳисоботи якуни бўйича даромадларни тақсимлаш ва дивидендлар миқдори ҳамда уни бериш тартибини тасдиқлаш.
7. Жамият бошқарув раисини сайлаш.
8. Жамиятнинг 2005 йилги иш режа (бизнес план)ни тасдиқлаш.
9. Жамиятнинг 2005 йилга мўлжалланган даромадлар ва харажатлар сметасини тасдиқлаш.
10. Жамиятнинг 2005 йил фаолияти учун жамият Аудиторини тасдиқлаш.
11. “Эски-Жўва” даҳқон бозори тасарруфидаги “Кўкча Оқтепа” бозор шохобчасини “Фарҳод деҳқон бозори” ОАЖ тасарруфига киритиш.
12. Жамият Кузатув кенгаши таркибининг қайта сайлаш.
13. Жамият Низомига ўзгартириш киритиш тўғрисида.

Мажлисида акциядорлар реестрининг 2005 йил 24 май ҳолатига кўра унга кирган акциядорлар ёки уларнинг вакиллари (нотариусда тасдиқланган ваколатнома бўйича) қатнашишлари мумкин.

**Эслатма: Умумий мажлисга доир материаллар билан акциядорлар Тошкент шаҳри Учтепа тумани, Фарҳод кўчаси, Чилонзор Г9-А мавзеси, “Фарҳод деҳқон бозори”да жойлашган жамият идорасида танишишлари мумкин. Тел: 117-30-65, 117-36-74.**

Кузатув кенгаши.

**“Меҳрли савдо” Давлат корхонаси 2005 йил III — чорагида қуйидаги озиқ-овқат маҳсулотлари харид қилиш учун тендер савдолари ўтказилишини маълум қилади:**

- шакар
- сариёғ
- биринчи тоифали музлатилган мол гўшти

Тендер таклифларини қабул қилиш ҳамда тендер ҳужжатларини бериш ҳар куни соат 9-00 дан 17-00 гача қуйидаги манзил бўйича амалга оширилади:

Тошкент шаҳри, 700000, Мирзо Улугбек тумани, А.Икромов кўчаси, 27-уй. Телефонлар: 137-14-59, 137-45-15, факс 137-14-92. Таклифларни қабул қилишнинг охириги мuddати 2005 йил 24 июнь, соат 17-00 гача.

Танлов асосида қуйидагиларни харид қиламиз:

- ҳар хил турдаги ёрмалар, жумладан: гуруч, майдаланган нохот, перловка, гречка, ловия, мош;
- қакао кукунни, кофе, чай;
- хамиртуруш (дрожжи), лавр япроғи, майдаланган қора муруч

Шу билан бирга корхона Россияда ишлаб чиқарилган оғирлиги 1/340 граммли димланган мол гўшти консервасини сотади.

Тошкент вилояти, Ўртачирчиқ туманидан берилган Навоий кишлоқ фуқаролари йиғинига қарашли думалоқ гербли муҳр йўқолганлиги сабабли  
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**



**«ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЦИРКИ»  
республика бирлашмаси**

**Тошканбой Эгамбердиев номли  
Тошкент Давлат цирки**

Бутун жаҳонга машҳур масҳарабозлар, шунингдек аралаш ҳайвонларнинг катта гуруҳи иштирокида  
**КАТТА ВА РАНГ-БАРАНГ ДАСТУР**

Томошалар шанба, якшанба кунлари соат 15.00 да бошланади. 28, 29 май ва 1 июнда 15.00 да бошланади. Жамоа бўлиб келиш учун талабномалар қабул қилинади. Чипталар цирк кассаларида сотилмоқда. Ҳақ турли шаклда тўланиши мумкин.

Касса соат 9.00 дан ишлайди.  
Маълумотлар учун телефонлар:  
144-35-91, 144-29-04, 144-32-23.

**Хўжалик юритувчи субъектлар  
раҳбарлари ҳамда тадбиркорлар  
ДИҚҚАТИГА!**

**Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий комиссияси қошида «Ишонч телефони» фаолият кўрсатмоқда. Сизнинг корхонагизда турли назорат органлари томонидан ўтказилаётган текширишларнинг қонунийлиги ҳақида шубҳалансангиз, қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингизни сўраймиз:  
133-15-32, 139-05-57,  
55-67-42, 55-19-73.**

*Спорт*

**ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ  
ЯХШИ  
ҚАТНАШИШДИ**

Енгил атлетика бўйича мусобақалар ҳаяжонли лаҳзаларга бойлиги, кескин ва муросасиз баҳслари билан доимо ишқибозларда қизиқиш уйғотиб келади. Бироқ Бухоро шаҳрида бўлиб ўтган мусобақалар бир оз ўзгача тарзда кечди.

Унда шаҳарлар ўртасида Ўзбекистон Кубоги ҳамда коллежлар ўртасида мамлакат биринчилиги учун ўзаро баҳс юритилди.

Шаҳарлар ўртасида ўтказилган мусобақаларда пойтахт жамоаси тўплаган балларига кўра ҳурмат шоҳуспасининг фахрли иккинчи погонасини забт этди.

Коллежларо баҳсларда эса кўплаб Олимпиада, жаҳон, қитъа ҳамда мамлакат чемпионлари етишиб чиққан шахримиздаги республика Олимпия захиралари коллежга тенг келадиган жамоа топилмади.

**ЧЕМПИОН  
БЎЛИШДИ**

Самарқандда 1987-1988 йилларда туғилган қизлар ўртасида кўл тўпи бўйича Ўзбекистон биринчилиги мусобақалари поёнига етди.

Турнирда Тошкент шаҳри ҳамда тўққизта вилоятнинг кўл тўпи жамоалари ғалаба учун кураш олиб боришди. Жамоалар ўзаро куч синашган, совринли ўрин учун кураш олиб борувчи вилоятлар вакиллари аниқланди. Кутилганидек финалда Тошкент шаҳри ва пойтахт вилояти гандболчилари ўзаро рўбарў келишди. Ушқоқлик билан ўйнаган ҳамшаҳарларимиз чиройли ғалабага эришишди ва Ўзбекистон чемпионлари бўлишди.

Самарқандлик ёш кўл тўпи усталарини енгган Андижон шаҳри жамоасига учинчи ўрин насиб этди.

**ОМАД ТИЛАЙМИЗ**


Вьетнамнинг Хошимин шаҳрида мини-футбол бўйича VII Осиё чемпионати беллашувлари бошланди.

Шуниси эйтиборлики, ушбу нуфузли мусобақаларда мамлакатимиз мини-футбол усталари ҳам иштирок эттишмоқда. Улар Филиппин, Фаластин, Макао жамоалари билан битта гуруҳдан жой олишган.


Гуруҳларда энг яхши натижаларга эришган терма жамоалар кейинги босқичга йўл олишади.

Уйлаймизки, совринли ўринларни эгаллаш учун мамлакатимиз терма жамоасида барча имкониятлар етарли.

(Ўз мухбиримиз)



*Акробатика*



**ЮҚОРИ МАҲОРАТ КЎРСАТИШДИ**

Шаҳримиздаги «Ёшлик» спорт мажмуасида уч кун давомида акробатика бўйича Ўзбекистон чемпионати баҳслари бўлиб ўтди. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ташкил этилган чемпионатда 70' нафар акробатика усталари ғалаба учун кураш олиб боришди.

Турнирда кўпгина янги номлар, моҳир акробатлар кашф қилиниб, ишқибозлар кўнгилларини ўз техникалари билан хушнуд этишди. Хусусан, акробатик кўпкураш машқида самарқандлик эркаклар жуфтлиги

Фаррух Зокиров ҳамда Мурод Қулиевлар муваффақиятли иштирок этишди. Улар мураккаб машқларни енгил ва чиройли бажарган ҳолда спорт устаси талабларини бажаришди.

Шунингдек, андижонлик аёллар жуфтлиги Анна Аблаева ҳамда Евгения Лушникова, аралаш жуфтлик Ирина Хван ҳамда Акрот Абдуллаевлар ҳам юқори маҳорат намуналарини кўрсатганлари ҳолда мухлислари кўнгилларини шод эттишди.

Аёллар ва эркаклар гуруҳларида тошкентлик спортчилардан Зироат Раҳимова,

опа-сингил Арофат ва Наргиза Қодирова, Бахтиёр Хўжаев, Илхом Султонов, Сергей Каспарян ва Жаҳонгир Мирзаевларнинг муваффақиятли чиқишларини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Мутахассислар чемпионат мусобақалари юқори даражада ўтганини алоҳида қайд этишди. Буни спортчилар кўрсатган натижалар ва улар бажарган кўплаб спорт усталиги талаблари ҳам яққол исботлаб турибди.

Барча голиб ва совриндорлар медаллар дипломлар ва қимматбах совғалар билан тақдирланди.

(Ўз мухбиримиз)

**СУРАТЛАРДА: акробатика бўйича Ўзбекистон чемпионатидан лавҳалар. Алексей Попов олган суратлар.**

*Футбол*

**«ПАХТАКОР» ҒАЛАБА ҚОЗОНДИ**

Мамлакат XIV миллий чемпионатининг 8-тур беллашувлари етакчи жамоамиз «Пахтакор»га муҳим уч очкони ҳада этди.

Авалги турда Қаршининг «Насаф» жамоасига сафарда имкониятни бой бериб турнир жадвалининг иккинчи погонасига тушиб қолган пахтакорчиларга ғалаба сув билан ҳаводек зарур эди. Шу боисми, «Пахтакор» марказий стадионидан «Шўртан» билан уюштирилган учрашувда тошкентликлар уюшқоқ ҳолда ҳаракат қилишди. Тўпни бир-бирига аниқ узатиш, тўп билан кўпроқ ҳаракат

қилиш, майдон марказида устунликни қўлга киритиш, рақиб дарвозасига чиройли комбинациялар билан хавфли ҳужумлар уюштириш тошкентлик футболчиларга муваффақият келтирди. Майдон эгаларининг тўлиқ устунлигида ўтган бахт мяхмонлар дарвозасига тўртта жавобсиз тўп киритилди. Мухлисларга қувончли онларни бахш этган голларни Солиев, Копадзе, Исоқов, Кошелевлар йўллашди.

Қолган учрашувларда қуйдаги натижалар қайд этилди. «Насаф» — «Трактор» — 2:2, «Қизилқум» — «Навбахор» — 1:0, «Локомотив» — «Сўғдиёна» — 5:0, «Самарқанд - Динамо» — «Бухоро» — 2:0, «Тўпаланг» — «Металлург» — 4:2.

Навбатдаги тўққизинчи тур баҳслари 12 июнда бўлиб ўтади.

Анвар ЙЎЛЧИЕВ

*Табиаат ажройиботлари*

**НАВИГАЦИЯ ВА  
БИОЛОГИК СОАТЛАР**

Ҳайвонот оламининг кўпчилик вакиллари — балиқлар, қушлар ва ҳашаротлар вақт ва фазода бемалол мўлжал (ориентация) қила оладилар. Уларда навигация асбоблари аниқ ишлайди, йўлдан адашмайдилар, вақтни чалқаштирмайдилар.

Американинг Тинч океан қирғоқларида атерична номли балиқ яшайди. Бу жонивор тухум ташлаш учун сув тошқини энг юқори поғонага кўтарилганида қирғоққа сузиб келади ва шу ерда бирорта чўқурчага тухумини кўмади. Сўнгра денгиз тўқинлари билан қайтиб кетади. Навбатдаги сув тошқинига тухумдан чиққан балиқчалар уммон сувида яшашга тайёр бўлади. Демак атерична кўпайиши учун барча шароитларга — фаслларнинг алмашуви вақтини ой фазосини, сув тошқинини тақдорланиб туриш вақтини аниқловчи биологик соатларга эга.

Австралиядаги маълум тур лайлақлар қирғоқдан 50 чақирим ичкарига ин қурадилар. Улар ҳар куни денгизга озикланиш учун аниқ бир вақтга мўлжалга олиб келадилар, маълумки сувнинг қайтиш (пасайиш) вақти ўзгариб туради.

Биологик соатлар ташқи муҳитдан келадиган ахборот оқимини сезувчи тизимдир. Бундай ахборотларнинг асосий манбаларидан бири космик ритм бўлиб, ер, қуёв, ойнинг фазодаги ҳаракат даврларига боғлиқ. Шунингдек, барча организмлар Ер курраси магнит майдонининг ўзгаришига ҳам жуда сезгирдилар.

Ташқи шароитга мослашиш учун юксак организмлар битта эмас, балки бир қанча биологик соатлар билан таъминланган бўлиб, улар турли биологик ахборот манбаларини аниқлашга мўлжалланган. Жониворлар вақтни билиш билан бирга фазода ориентация қилишда ҳам ажойиб қобилиятга эгадилар. Кўп қушлар ёз фаслини мўътадил иқлимли жойларда ўтказадилар, совуқ тушишни олдиндан иссиқ ўлкаларга раво-на бўладилар. Батзи бир қушлар кўра-раи замин бўйлаб айланиб чикади.

Дельфинлар уч километр наридаги балиқчининг қаерда турганини аниқлай олади. Улар жуда ҳаммамул ультратовушли эхолокаторларга эга.

Денгиз ҳайвонлари яқинлашиб келаётган довул шамолни олдиндан сезади. Сув тўқинларининг хаво билан ишқаланиши натижасида ҳосил бўлган ҳар хил товушларнинг узоқ масофадан туриб фақат сувда яшайдиган ҳайвонларгина илғаб олади.

Медузаларнинг қулоқ тазулишини ўрганиб олимлар электрон қулоқ яратдилар, бу эса денгиз довули ва унинг кучи ҳақида кишиларга маълумот беради. Мазкур аппаратнинг бошқача бир кўриниши кулги эшитмайдиган кишиларга ёрдамга келади.

**Яхё ДАВЛАТОВ,**

биология фанлари доктори.

*Мунажжим башорати*

**САБР-ТОҚАТЛИ БЎЛИНГ**

**25 МАЙ, ЧОРШАНБА**  
Ха, мунажжимлар бугун ҳаммаминиз сабр-каноатли бўлишга, сермулоҳазалиликка даъват этишади.

Ой сайёрасининг Тарозу буржи-дан Чаён буржига ўтиши куннинг бирмунча мураккаб кечинишдан далолат беради. Шу кунни туғилган кишиларга бугун мустакил равишда бирон-бир иш билан шугулланиш тавсия этилмайди. Зеро, бугун улар ўзларидеги худбинлик, тақабурлик туйғуларини енгишлари, ҳаётдаги ўз устозларини излаб топиларига тўғри келади. Шундангана бу кишилар маънавий юксаклик сари оидимлайдилар.

Бугун кўчмас мулк билан деҳқончилик ишлари билан, тез ривож топ-падиган ишлар билан машғул бўлиш фойдали. Шу кунни қўл ушлашдан ҳам тийилиш керак. Чунки уйдан оғирлашиб, ҳамма ёғинга эгриб уйғонишингизга тўғри келади. Бугунги кун артистлар, сайёҳлар, тадқиқотчилар ва ихтирочилар учун омадли келади. Ақлий-интеллектуал меҳнат, компьютер ва адабий ижод билан шугулланиш ҳам манфаатли. Ҳазор ахборотлар ва тақриб алмашиб, бир-бирига совға-саломлар қилиш, бадантарбия билан машғул бўлиш фақат фойда келтиради.

Ҳаммом ва саунага бориш, тери хасталикларини даволатиш самарали бўлади.

Майда танга ёки ялтироқ маъдан буюм топиб олиш яхшилик аломати ҳисобланади. Игна ёки тиканак, зирагча кириши, бирон жойингизни ке-

сиб олишингиз ёки қайноқ сувдан қуйиб қолиш — бўлажак нохушликларга ишора. Шамолдан деразаларингиз очилиб кетиши йўқотиш ва айрилиқлардан огоҳлантириш ҳисобланади.

Бирон аҳамиятга молик тушлар билан бугун қуёш кўтарилганидан кейин ёки булутли ҳавода кўриш мумкин. Тушда қушларни, очик эшикларни ёки сут махсулотларини кўриш — яхшиликка.

Бугун рўза тутуш ёки, ҳеч бўлмаганда, оёқ таланишда меъёрга риоя этиш фойдали. Қандайдир оғриқлар безовта қилиши, сурункали хасталиклар зўрайиши мумкин. Буйрақларингизни ахтиёт қилинг, кўзларингизни зўриқтирманг.

Либослардан кўз ва кулрангари омадли бўлади. Қизил, оқ ва зарғалдоранг кийимлардан узоқроқ бўлинг.

**БУНГ:**

- бошлаб қўйган ишларингизни давом эттириш;
  - интеллектуал меҳнат, ижтимоий-сиёсий фаолият билан шугулланиш;
  - берилиб ишлаш (шунда чинакам омад йўлдошингиз бўлади);
  - ўз манфаатларингизни муҳофаза этиш хусусида қайғуриш, бу борада ҳуқуқшунослар билан маслаҳатланиш;
  - олижаноблик ва ақл-фаросатни намоён этиш;
  - қариндош-уруғлар, қўни-қўшнилар ва ҳамкасблар билан ярашиб, муроғига келиш тавсия этилади.
- Норасмий манбалардан келадиган ахборотлар, ғийбат гаплар ва миш-мишлар асосида ҳулосалар қилишга ошқикманг.



**Бош муҳаррир  
Акмал АҚРОМОВ**

Майзилимиз: 700000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**

хатлар — 133-29-70;  
эълонлар:  
133-28-95, 132-11-39,  
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма тибок, оброст  
узулиги босилган.  
3868 нускада босилди. Котиб бинини А-3

**Газета Тошкент шаҳар  
Матбуот ва ахборот  
бошқармасида 02-1-рақам  
билан рўйхатга олинган.**

Душанба, сешанба, чоршанба,  
пайшанба ва жума кунлари чиқади.  
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойларга почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва шрифтлиланди.  
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.  
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.